

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD. 03/31.03.2021.Fil.78.04РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙНАЗАРОВА ЎҒЛОНОЙ АЛЛАМУРОДОВНА

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА МИФОНИМ КОМПОНЕНТЛИ
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Худайназарова Ўғлоной Алламуродовна

Ўзбек ва инглиз тилларида мифоним компонентли фразеологизмларнинг
лингвокультурологик тадқиқи.....5

Khudaynazarova Uglonoy Allamurodovna

Linguacultural research of mythological-component phraseological units in the
Uzbek and English languages.....25

Худайназарова Уғлоной Алламуродовна

Лингвокультурологическое исследование мифокомпонентных фразеологизмов
в узбекском и английском языках.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works49

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
03/31.03.2021.Fil.78.04РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ХУДАЙНАЗАРОВА ЎҒЛОНОЙ АЛЛАМУРОДОВНА

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДА МИФОНИМ КОМПОНЕНТЛИ
ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРНИНГ ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК ТАДҚИҚИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Термиз – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси ВазирларМаҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil1389 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Термиз давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг (www.guldu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Махмараимова Шохиста Тухташевна**
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот:

Диссертация ҳимояси Термиз давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/31.03.2021.Fil.78.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (876) 221-74-55; факс: (876) 221-71-17; e-mail: termizdu@umail.uz).

Диссертация билан Термиз давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 190111, Термиз ш., Баркамол авлод кўчаси, 43-уй. Тел: (876) 221-74-55.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Б.Умуркулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, ф.ф.д., доцент

А.Эшмўминов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, ф.ф.ф.д. (PhD)

Ш.Ёқубов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, ўринбосари,
ф.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертациямавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида фразеология тадқиқ объектнинг фразема, идиома, фраза, ибора, қанотли иборалар тадқиқи эвазига кенгайиб бораётганлиги маъқул бирликларнинг илмий парадигмалар мисолидаги кенг талқинига йўл очмоқда. Зотан, фразеология ва унинг истиқболдаги ривожига қаратилган илмий тадқиқотлар бир неча асрда, тилшуносларнинг диққат марказида бўлмоқда. Бугунгача қўлга киритилган илмий янгиликлар, мавжуд тадқиқотларни эса асосий икки: яъни фразеологик бирликларни уларнинг лисоний табиатидан келиб чиқиб тавсифловчи олимларнинг илмий хулосаларини бир гуруҳга ва аксинча, турғун бирикмаларни улардаги антропоген ҳамда лисоний хусусиятлар бирга текширувчи олимларнинг қарашларини иккинчи гуруҳга ажратиб таснифлаш мумкин. Шунга мувофиқ, ҳозирда турғун бирликларни “реалиялар оламининг тизимли муносабатлари ҳамда тил соҳиблари онгида объектив оламни акс эттиришнинг шакли” сифатида тушуниш ҳолати оммалашган.

Дунё тилшунослигида оламни англаш, идрок этиш жараёнини антропоцентрик тарзда тушуниш тўпланган билимлар лисоний белги мақомини касб этиб, тил тизимидан мустақкам ўрин эгаллаши учун лингвомаданий ҳамжамият учун стереотипик, эталон даражасидаги моҳиятга айланиши лозимлигини кўрсатмоқда. Ҳар бир миллатнинг ўз қадриятини манзарасига муҳрланган тушунчалари мавжуд бўлиб, оламни кўриш, англаш, идрок этишдаги бу “специфик ихтисослашув” давр билан миллат тилида ўз ифодавий бирликларининг юзага чиқишида туртки вазифасини ўтайди. Тил соҳибининг тафаккур фаолиятида ана шу образли-эмотив, дескриптив-баҳоловчи “семантик чўққилар”нинг сараланиши, пировардида тил тизимида турғун табиатли, айни вақтда миллат ментал хусусиятини акс эттирувчи фразеологик бирликларнинг шаклланишига сабаб кўрсатади.

Ўзбек тилшунослигида инсоннинг зоҳирий ва ботиний оламини ифодаловчи асосий лингвомаданий бирликлар ўзига хос маданий бўёққа эга бўлган муайян миллий маданиятнинг ифодаловчиси сифатида ўрганилмоқда. Лингвомаданий хоссаларнинг фразеологик бирликлар орқали моддийлашиш механизмини бугунги замонавий тилшунослик ёндашувлари асосида ёритиб бериш тилшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Бинобарин, барча илмий йўналишлар қаторида тилшуносликда ҳам “...илмий ва ижодий изланишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитлар яратиш вазифа”сининг¹ белгиланиши тилшуносликнинг кўплаб анъанавий муаммолари, хусусан, ўзбек тили фразеологик бирликларида халқимизнинг миллий-маданий дунёқарашини ифодаловчи мифонимларнинг лисоний, лингвомаданий хусусиятларини замонавий тилшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш тилшунослигимиз учун муайян назарий ҳамда амалий аҳамиятга эга.

¹Мирзиёев Ш.М. Эркин вафатовон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпоэтамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатига қилиниш танали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.13.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони, 2019 йил 21 октябрдаги «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5850-сон Фармони, 2020 йил 20 октябрдаги «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6084-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 июлдаги «Самарқанд давлат университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 571-сон Қарори, 2020 йил 11 мартдаги «Ўзбек тили ва адабиёти бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 139-сон Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли тиллар кесимида фразеологизмларни тадқиқ этиш дунё олимларини ҳамиша қизиқтириб келган. Ғарб тилшунослари А.Де Ла Гранжа, Р.Глэзер, Г.Кнаппе, М.Л.Бешай, А.Врбинц, М.Врбинц, Н.Р.Норрик, Б.Альтенберг², шунингдек, инглиз тилшунослигида³; таниқли рус олимлари В.В.Виноградов, Н.Амосова,

²Álvarez de la Granja, María (ed.). Fixed expressions in cross-linguistic perspective // a multilingual and multidisciplinary approach. – Hamburg: Verlag Dr. Kovac, 2008. – 382 p.; Gläser, Rosemarie. The Stylistic potential of phraselogical units in the light of genre analysis // Phrasology. Ed. A.P.Cowie. – Oxford: Clarendon Press, 1998. – P. 25-45; Knappe, Gabriele. Idioms and Fixed Expressions in English Language Study before 1800. – Peter Lang, 2004. – 664 p.; Beshaj Ma. Lediana.Phraseological Units Used in the Functional Styles in English and Albanian Language // Mediterranean Journal of Social Sciences// pub. by MCSER-CEMAS-Sapienza University of Rome: Vol – 4 № 2; May, 2013. – P. 453-456.; Vrbinc Alenka., Vrbinc Marjeta. Phraseological units with onomastic components: The case of English and Slovene // Revista de Lingüística Teórica y Aplicada. Concepción (Chile), 52 (1), I Sem. 2014, P. 133-153; Norrick N.R. How proverbs mean: semantic studies in English proverbs / Norrick N.R. – Berlin; New York: Mouton, 1985. – 213 p.; Bengt Altenberg. On the phraseology of spoken English The evidence of recurrent word-combinations // Phrasology. A.P.Cowie. – Oxford: Clarendon Press, 1998. – P. 101-121.

³Shakespeare`s language: A Glossary of Unfamiliar words in Shakespeare`s plays and poems. Eugene F. Shewmaker. 1996. New York;William N.A bible dictionary for young readers by McElrath, 1965.Nashville Broadman Press; Phrases and sayings. Rees Nigel. 1997. London: Bloomsberry;Albert M. Hyamson, F.R. Hist.A dictionary of English phrases. London: George Routledge & Sons, LTD. 1922, Idiomantics.The Weird and Wonderful World of Popular Phrases.Philip Gooden and Peter Lewis. Bloomsbury Publishing Plc. United Kingdom 2012; The student`s practical dictionary of Idioms, phrases and terms with explanation in English and Roman Urdu. Ram NarainLal, Bookseller, Allahabad. 1994;Abraham H. Lass, KiremidjianD., Ruth M.The Facts on File dictionary of Classical, Biblical and Literary Allusions. New York. NY 10016. 1988;PartridgeE.A dictionary of slang and unconventional English.Seventh edition.Macmillan Publishing. New York. 1967; William and Mary Morris.Dictionary of word and phrase origins.Harper and Row, Publishers.New York, Hagerstown, San Francisco, London; Adrian Room. Brewer`s dictionary Modern phrase Fable; English proverbs and proverbial phrases.A historical dictionary.G.L.Apperson. I.S.O. Editor of the Antiquary. 1899-1915;A dictionary of English phrases. Albert M. Hyamson, F.R. Hist. London: George Routledge & Sons, LTD. 1922;Oxford dictionary of word origins. 2010.

И.В.Арнолд, О.С. Ахманова, Б.А. Илиш, А.И.Смирницкий каби олимлар ушбу соҳада илмий изланишлар олиб борган бўлса⁴, ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаев, А.Маматов, Б.Йўлдошев сингари олимларнинг тадқиқотларида⁵ бир тил доирасида ва турли типологик классификацияга эга бўлган тиллардаги фразеологизмлар таҳлил қилинган ва ўзаро қиёсланган.

Oxford University Press. Kahle /Austin Foundation; James Main Dixon. T. Nelson and Sons. Dictionary of Idiomatic English phrases. London. Edinburgh and New York. 1981; 101 Everyday sayings from the Bible. Ed Fosters. Salvation Army National Publications. Alexandria, Virginia; William Smith. A Concise dictionary of the Bible, Ed 4. 1875; Easton M. G. Eastons Bible dictionary. M.A.D. 2021. Public Domain; A Concise dictionary of the Bible, Ed 4. Smith, William. 1875. p. 200; The Wordsworth dictionary of phrase and fable. Hertfordshire, England: Wordsworth Editions. 1994; Adrian R. Cassell's dictionary of foreign words and phrases: historical collection, 2002. London: Cassell; New York: Distributed by Sterling Pub. Co; The Harper dictionary of foreign terms: based on the original edition by C. O. Sylvester Mawson. 1987. New York: Harper and Row; Archer Peter and Archer Linda. 500 Foreign words and phrases, PhD. The USA. 2021. P 21; Amine Bouchentouf. Arabic phrases for dummies. 2009. Hoboken, N.J.: Wiley Pub.; Chichester: John Wiley. Distributor; A dictionary of foreign words and phrases in frequent use in English contexts. Lloyd E. Smith. Haldeman-Julius company Girard company. Little Blue book no. 902 ва б.

⁴Виноградов В.В. Основные понятия русской фразеологии как лингвистической дисциплины. – Москва, 1977; Курчаткина Н.Н. Фразеология испанского языка. – Москва, 1981; Пенталь Д.В. Концепт время в испанских пословицах. – Воронеж, 2005; Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. – М. 1963. – С. 46-49; Лексикология современного английского языка (The English Word). – М., [Высшая школа](#), 1986; [Словарь лингвистических терминов](#) / О.С. Ахманова — М.: [Советская энциклопедия](#), 1966 (2-е изд. — 1968; 3-е изд. — 2004).; История английского языка. – М.: Высш. школа, 1968. – 420 с; Фирсова Н.М. Современный испанский язык в Испании странах Латинской Америки. – Москва, 2007; Foreign language phraseology in the US: Contrastive analysis of Verbal collocations. Natalia F. Mikheeva Pablo Ramirez Rodriguez. Peoples` friendship University of Russia, Moscow, Russia; Ganieva Sh. A. Phraseological meaning and its structure. International scientific journal. Volgograd. № 11 (33), 2016, Vol. II. 2016. p. 40-41; Смирницкий А.И. Лексикология английского языка. – М. 1956; Насруллаева З.З. Инглиз тили фразеологик бирликлар семантикасидаги гендер концепцияси: Филология фанлари доктори диссертацияси. – Тошкент, 2016.

⁵Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. – Тошкент, 1966; Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати. – Тошкент, 1978; Маматов А. Фразеологизмларнинг шаклланиш асослари. – Тошкент, 1969; Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирликларнинг лингвомаданий ва семантик-прагматик тадқиқи. – Тошкент, 2018; Менглиев Б., Худойбердиева М., Бойматова О. Ўзбек тили ибораларининг ўқув-изоҳли лугати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2017; Абдуллаев А. Фразеологизмларнинг экспрессивлик хусусияти. – Тошкент: ЎТА, 1976. 5-сон; Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. – Тошкент: Фан, 1983; Маматов А. Ўзбек тили фразеологияси. Ўқувқўлланма. – Тошкент, 2019; Йўлдошев Б. Мустақиллик йилларида ўзбек фразеологияси: эришилган ютуқлар ва навбатдаги вазифалар. Хорижий филология. 1-сон. 2017 йил. 5-б.; Юлдашев А.Г. Идиоматик қўшма сўзларнинг лингвокогнитив тадқиқи. – Тошкент, 2016; Sultanova Sh. M. Religious phraseological unit as an object of study of the linguistics / Бухоро давлат университети илмий ахбороти. UDC: 81`1:008:2-279. – Б. 94; Tursunov M. The linguistic features of metaphoric phraseological units in the Uzbek language / Philology matters. Volume 2020. Issue 1. Article 17. P. 95; Ҳайдаров А., Чориева З. Инглиз тилида фразеологик бирликларнинг семантик-грамматик, услубий хусусиятлари // Тилнинг лексик-семантик тизими ва қиёсий типологик изланишлар: синхрония, диохрония материаллар тўплами. – Тошкент: Мухаррир, 2012; Ҳайдаров А. Жўрақулова Г. Фразеологик иборалар таржимаси хусусида // Тилнинг лексик-семантик ва қиёсий типологик изланишлар: синхрония, диахрония материаллар тўплами. – Тошкент: Мухаррир, 2012; Тухтаходжаева Н.А. Бадиий таржимада лингвокультура маълумларнинг ифодаланиши (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Тошкент, 2017; Раджабова М.А. Ономастик компонентли фразеологик бирликларнинг лингвомаданий жиҳати ва таржима муаммолари (инглиз, ўзбек ва рус тиллари материалида). – Бухоро, 2020; Насиров А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларидаги проverbs фразеологизмларнинг семантик-стилистик ва миллий маданий хусусиятлари: Филол. фан. док-ри дисс. 2016; Болтаева Б.И. Ўзбек тили фразеологик бирликларининг трансформацияси (семантик-прагматик таҳлил): Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореферати. – Самарқанд, 2019; Ли Ямей. Хитой тилидаги иерархик муносабатни ифодаловчи фразеологизмлар (лексик-семантик, структур ва функционал-стилистик таҳлил). – Тошкент, 2011; Zaripova R. Relation of simple phraseology in the English and Uzbek languages to the literary language norms. International journal on Integrated Education. Volume 3, Issue III, March 2020. P. 10; Əmiraslanova A. Filologiya məsələləri. 1. 2020; Влияние Библина формирования английских фразеологизмов. – С. 237 ва б.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Термиз давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тиллараро муносабатлар” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – инглиз ва ўзбек тилларидаги мифоним компонентли фразеологизмларнинг қиёсий-чоғиштира таҳлилини амалга ошириш ва ушбу турдаги фразеологизмларнинг турли диний эътиқодларга алоқадорлигини асослаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фразема, мифоним терминлари этимологиясини ёритиш ва бу орқали икки тил доирасида улар ўртасидаги номувофиқликни кенг очиб бериш;

инглиз ва ўзбек тилларида мифоним компонентли фразеологизмларнинг лексик-семантик хусусиятларини аниқлаш;

фразеологизмлар, иборалар, қанотли сўзлар, идиомаларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш;

мифоним компонентли фразеологизмларнинг дискурсив таҳлилини амалга ошириш орқали уларнинг лингвомаданий аҳамиятини аниқлаш;

мифоним компонент терминини илмий-назарий асослаш ва улар иштирокидаги фразеологизмларни инглиз ва ўзбек тиллари лингвомаданиятига кўра таҳлил этиш.

Тадқиқот объектини диний, мифологик, фалсафий қарашларни ўзида мужассамлаштирган мифоним компонентли фразеологизмлар ташкил қилади.

Тадқиқот предмети фраземаларнинг лисоний мавқеи, инглиз ва ўзбек тилларида мифоним компонентли фразеологизмларнинг лингвомаданий хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда лингвокультурологик, фалсафий-гносеологик, лексикографик, тавсифлаш, чоғиштира-қиёсий, статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мифоним компонентли фразеологизмларнинг тилнинг фразеологик, лингвомаданий фондидаги, шунингдек, миллий лисоний, миллий қадриятий ҳамда миллий диний-эътиқодий манзарасини шакллантиришдаги ўрни чоғиштира-қиёсий, статистик таҳлил усули асосида ёритилди ҳамда инглиз ва ўзбек тилларидаги мифоним компонентли фразеологизмлар ҳосил бўлишидаги фарқларнинг референтатив, лексик-синтактик асослари кўрсатиб берилди;

инглиз ва ўзбек тилларида эпонимлашув ҳодисасининг деонимлашув турига оид таҳлилий материаллар асосидатурли тизимли тилларда мифокомпонент талқиниреалионим асосида ҳосил бўлишнинг референтатив асосларига тақалиши, мутлақ мифоним юзага чиқишидаги фарқ эса ҳосила номинациянинг содир бўлиш йўллари эвазига қарор топиши кўрсатиб берилди;

ўзбек ва инглиз тиллари фразеологик сатҳидаги мифокомпонентлар негизидаги ўхшатиш бирликларининг лингвомаданий кодлари ёритилиб,

диний-эътиқодий тушунчаларни персонификациялаштирувчи инглиз менталитетидан фарқли, ҳар бир мусулмон халқи диний манзарасида ўз ўрнига эга, Аллоҳнинг иродасини акс эттирувчи барча турдаги фразеологик курилмаларни фраземалар эмас, *диний барқарор бирикмалар* ёхуд *религионимлар* деб номлаш таклифи берилди;

қиёсланаётган ҳар икки тилнинг диний-эътиқодий, мифологик, концептуал манзараси учун *Жаннат* (Heaven), *фаршита* (Angel), *руҳ, арвоҳ* (Spirit, Ghost), *Иблис, шайтон* (Devil), *Дўзах* (Hell), *Азроил* (Azrael) тушунчалари сабаб-оқибат, охират-жазо фалсафий категорияларига бирлашувчи универсал лингвомаданий концептлар экани далилланди;

лексикографик, тавсифлаш, чоғиштира-қиёсийусуллари ёрдамида инглиз ва ўзбек тиллари луғат таркибининг ўзлашган фразеологизмлар асосида бойиш манбалари аниқлаштирилди.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат

мифоним компонентли фразеологизмларнинг ҳосил бўлишига алоқадор аниқ хулосалар берилди;

мифоним компонентли фразеологизмлар таркибий жиҳатдан гуруҳларга ажратилиб, салбий ва ижобий маъно касб этувчи фразеологизмлар гуруҳларга ажратилиб, таснифланди;

мифоним компонентли фразеологизмларнинг бадий ва илмий асарлар таржимаси билан боғлиқ муаммолар ечимига доир тавсиялар берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги юқорида келтирилган маълумотлар ишончли илмий ва бадий манбалар асосида шакллантирилганлиги; ҳар бир ҳолат қиёслаш, фалсафий-гносеологик, лингвокультурологик, когнитив, контекстуал, бадий, дискурсив таҳлил методлари воситасида асосланганлиги; хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги; олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мазкур натижаларнинг фразеология, таржимашунослик, қиёсий тилшунослик йўналишида амалга ошириладиган янги тадқиқотлар учун илмий манба бўла олиши билан белгиланади. Тадқиқот натижаларидан олий таълимда “Хорижий тилни ўқитишда маданиятлараро мулоқотни шакллантириш”, «Лингвокультурология», “Когнитив тилшунослик” каби курсларни ўқитиш ҳамда шу фанларга доир дарслик ва ўқув қўлланмаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек тилларидаги мифоним компонентли фразеологизмларнинг қиёсий-чоғиштира таҳлилини амалга ошириш ва ушбу турдаги турғун бирикмаларнинг турли диний эътиқодларга алоқадорлигини лингвомаданий тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

мифоним компонентли фразеологизмларнинг тилнинг фразеологик, лингвомаданий фондидаги, шунингдек, миллий лисоний, миллий қадриятий ҳамда миллий диний-эътиқодий манзарасини шакллантиришдаги ўрнини

чоғиштирма-қиёсий, статистик таҳлил усули асосида ёритиш ҳамда инглиз ва ўзбек тилларидаги мифоним компонентли фразеологизмлар ҳосил бўлишидаги фарқларнинг лингвоконцептуал асосларига доир хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти томонидан олиб борилган ФА-Ф1-Г003 “Ҳозирги Қорақалпоқ тилида функционал сўз ясалиши” ҳамда ФА-А1-Г007 «Қорақалпоқ нақл-мақоллари лингвистик тадқиқот объекти сифатида» мавзусидаги фундаментал ва илмий-амалий лойиҳаларида фойдаланилган (ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 17.01/200-сонли маълумотномаси). Натижада, турли тизимли тилларда фразеологизмлар таркибидаги мифокомпонентнинг ҳосил бўлиш усулларидаги фарқ ҳосила номинациянинг содир бўлиш йўллари эвазига қарор топишига доир маълумотлар лойиҳа мазмунининг лингвомаданий жиҳатдан тўлдирилишига хизмат қилган;

ўзбек ва инглиз тиллари фразеологик сатҳининг таснифида мифокомпонентлар негизидаги ўхшатиш бирликларининг лингвомаданий кодлари борасидаги хулосалар, мифоним компонентли фразеологизмларнинг бадий ва илмий асарлар таржимаси билан боғлиқ муаммолар ечимидоирасида ишлаб чиқилган илмий ва амалий тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан гид-таржимонларни тайёрлашда кенг фойдаланиб келинган. Шунингдек, тадқиқотчи 2019 йил давомида Сурхондарё вилоятида ўтказилган республика ва халқаро миқёсдаги барча тадбирларда, жумладан, 5-10-апрелдаги "Халқар бахчилик санъати" фестивалида, 24-25-августдаги "Мерос" ҳафталиги доирасида "Ўзбекистон - буюк йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси, империялар, динлар, маданиятлар" мавзусидаги археология-туризм форумида ва 21-22 сентябрдаги "Open South International Business Forum II" халқаро бизнес форумида фаол иштирок этиб, тадбирларнинг юқори савияда ўтказилишига ўз хиссасини қўшган. Бундан ташқари, тадқиқотчининг инглиз ва ўзбек тиллари луғат таркибининг ўзлашган фразеологизмлар асосида бойиш манбалари, мифоним компонентли фразеологизмларнинг дискурсив таҳлилинини амалга ошириш орқали уларнинг лингвомаданий аҳамиятини аниқлашга оид илмий тавсияларидан "Гид ҳамроҳлиги ва таржимонлик фаолияти" таълим йўналиши учун ўқув-илмий манбаларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармасининг 2021 йил 5 ноябрдаги 01-06/785-сонли маълумотномаси). Натижада ноқардош тиллардаги мифоним компонентли фразеологизмларнинг тафовут ва ўхшаш томонлари чоғиштирма таҳлили, инглиз ва ўзбек тилидаги ушбу гуруҳга мансуб фразеологик бирликларнинг бадий асарларда тутган ўрни, сиёсий доирада қўлланилишига оид билимларнинг мукаммаллашувига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси.Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманда, шулардан 2 таси хорижий халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (шу жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 146 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Тадқиқотнинг **Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Оламни англашнинг мифологик асослари”** деб номланган биринчи бобида антик давр фразеологик бирликларида мифологик талқин, мифологик образ масаласи, ўзбек лингвомаданиятида мифологик образлар талқини, мифонимларнинг ўзга ёндош ҳодисалардан фарқли жиҳатлари ҳамда ўзбек ва инглиз лингвомаданиятида мифоним, мифотеоним унсурлар генезиси масалалари ёритилган.

Милоддан аввал яшаб ўтган юнон ёзувчиси Геродот (IV аср) асарларидан кейин *mythos* мифология сўзи *ҳақиқатдан йироқ бўлган тўқима* маъносида қўлланила бошлаган. Ўша даврдан буён *миф (mythos)* термини аниқ манбага эга бўлмаган, *logos* эса номаълум муаллифга тегишли таълимот сифатида қаралган⁶. Жумладан, Европада қадимий афсоналар христиан давридан кейин XIX асрга қадар маълум. Юнонлар ва римликларнинг "ўтмишдошлари" хититлар, финикияликлар ёки этрусклар мифологик оламини ёритувчи афсоналари ҳақида жуда кам маълумотлар маълум ва бу маданиятларнинг мифологик асослари ва адабий ёдгорликлари мавжуд эмас. Зеро, "Ўрта ер денгизи афсоналари", "Буюк маъбуда", "Ахамонийлар истилоси", "Дорийлар истилоси", "Унутилган Хеттлар", "Ўлаётган ва тирилаётган Худога сиғиниш", "Финикияликлар", "Миср ва Ишидга сиғиниш", "Апеннин ярим ороли", "Рим афсонаси", "Эгизак афсона", "Илк Рим мифологияси" асарлари антик давр мифологияси ҳақида энг яхши маълумот манбаларидир⁷.

⁶WillisRoy. World mythology. Duncan Baird publishers. London, 1993. P. 10.

⁷Королев К. Античная мифология. Энциклопедия. – Мидгард: Эксмо, 2004. – С.1.

Мифологик образлар бугунги кун жаҳон ва ўзбек адабиётида ҳам фаол: *Танталус азоби*(замонавий талқинда: исталганга эриша олмаслик билан боғлиқ кучли азоб, изтироб), *Сизиф меҳнати*(тинимсиз бесамар меҳнат), *Ариадна уни*(бирор ишни бажаришда кўрсатма, йўриқнома), *Дамокл қиличи* (бирор кимсанинг бошидаги доимий тазйиқ), *Ахилл товони* (кучсиз томон, кимнингдир, ниманингдир оғриқли жойи, нуқтаси), *Аугун отхонаси* ва бошқа кўплаб иборалар модерн адабиётида мавжуд дурдона асарларнинг етакчи концепциясини ташкил этади⁸.

“The muses” – муза кўҳна юнон тарихида Аполлон ва Дионисийга сиғинган, санъат ва маданиятга илҳом бахш этувчи тўққизта аёл худолардан бири ҳисобланган: *O Muse! The causes and the crimes relate; What goddess was provoke`d, and whence her hate; For what offence the Queen of Heav`n began To presecute so brave, so just a man.* (Virgil, *Aeneid*, i.11-14, trans. John Dryden⁹).

Ўзбек тилида, гарчи этимологияси мос келмаса-да, музаларга форс-тожикча *пари* мифик образи анчайин мувофиқ келади: *Юнон осмонининг остидан, Олис тупроқ нидоси бўлиб, Чорладинг-му илҳом париси?* (А.С.Пушкин, Юнонлик аёлга). Нутқий қўлланилишига фаол бўлишига қарамасдан, ҳар икки: *муза* ва *парининг* ўртасида вазифавий фарқ мавжуд. Муза семантикасидаги “маъбуда” мақоми *парида* мавжуд эмас, ўзбек-тожик маданиятида “пари” деб оддий инсонларга мурожаат қилинади ва бунда аёлни маъбудлик даражасига кўтариш ўзбек-тожик халқларининг эътиқодий қарашлари доирасига кирмайди.

Фанда антик давр фразеологизмлари яна “қанотли иборалар” деб ҳам аталади. Антик давр фразеологик бирликлари қадимги лотин тилидан ўсиб чиққан ёки унинг асосида тараққий топган Европа тиллари, масалан, испан тили фразеологизмлари билан ҳам боғлиқ бўлиб, уларнинг айримлари инглиз тилидаги ибораларни такрорлайди ва бевосита халқаро маъно касб этади (юқорида қайд этилган *establos de Augias – Augeanstable* (*Август отхонаси*); *El hilo de Ariadna – Ариаднанинг уни*).¹⁰

Антик давр фраземалари маънодаги экспрессивлик, эмоционаллик, баҳо муносабатини етказишда, нозик ишора учун ажойиб восита бўлиб хизмат қилади. Антик давр фразеологик бирликлари асосини уч йўналишни¹¹ ташкил этади: Юнон худолари ва титанлар билан боғлиқ иборалар (*Сизиф меҳнати, Пандора қутиси, Прометей олови*); мифологик қаҳрамонлар билан боғлиқ иборалар (*Ахилл тўпиги, Аугун отхонаси, Тантал уни*); тарихий қаҳрамонлар билан боғлиқ иборалар (*Дамокл қиличи, Гордиан тугуни*) ва ҳ.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги миф тушунчаси “сав” сўзи билан ифодаланган. Бу сўз қадимги туркийлар тилида “хабар”,

⁸ Albert Camus. *Le Mythe de Sisyphé*. Callimard, 1942; Сапарин В. Суднад Танталусом. – Ереван: Айпетрат. – 269 с.; Котельников П.П. Мечь от Дамокла. – Ридеро, цифровая книга; Солижонов Й. Сизиф ва абсурд. <https://ziyouz.uz/ilm-va-fan/adabiyot/j-ldosh-solizhonov-sizif-va-absurd/>

⁹ Opening Pandora`s box. Phrases borrowed from the classics and the stories behind them. Addis, Ferdie, 1983.2012. New York: Reader`s Digest Association. P.108.

¹⁰ Абдуллаева П.Т. (СамГИИЯ). Основные фразеологические обороты, используемые в испанской литературе XX века.

¹¹ <https://burido.ru/496-frazeologizmy-drevnej-gretsii>.

“мақол”, “қисса”, “хикоя”, “сўз”, “нутқ” маъноларини англаган (“Девон”, I, 122; III, 168). Т.Ҳайдаровнинг ёзишича, “*сав* атамаси уч хусусиятига кўра юнонча *миф* атамасига мос кела олади: 1) атаманинг қўлланиш даври қадимий; 2) ифодаланаётган тушунча ва тасаввурлар умумлашма хусусиятига эга, 3) ифодаланаётган маънолар синкретик¹². Шунингдек, М.И.Умарходжаев¹³, Б.Йўлдошев¹⁴, А.Э.Маматов¹⁵, Я.Пинхасов, Х.Бердиёровларнинг ўзбек фразеологияси ривожига хизматларини муносиб эътироф этиш зарур. Ш.Т.Махмараимова ўзининг “Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти” номли илмий ишида ўзбек лингвокогнитив, лингвомаданий манзарасининг қарор топишида теоморф образлар ва улар мисолида мифоним унсурларнинг ўрнига алоҳида тўхталари ҳамда *аждарҳонинг қулогига азон айтмоқ, илҳом париси* каби мифоним компонентли иборалар лингвистик табиатини теоморф метфоралар орқали тушунтиради.

Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” ҳамда “Фарҳод ва Ширин” достонларида эса учқур от маъносини билдирувчи *бод* мифологик тимсоли ҳақида сўз юритилади.¹⁶ Унинг “Сабъаи сайёр” достонида Марказий Осиё фольклорида оммалашган хур, ғилмон, фаришта, азроил, жаннат, дўзах каби мифологик унсурлар ҳамда дев, пари, аждар, Қаямарс, Заҳҳок, Гуштасп, Зол, Жамшид, Афридун, Куршос, Кайқубод, Кайковус, Кайхусрав ҳамда Ҳизр образлари тилга олинади (яшиллик, сабза ранг билан талқин этилган Ҳизр образига “Қиссаси Рабғузий” да ҳам: *Қаю ерда ўлтурса ул ер кўқарар эдидея таъриф берилади*). Шу сингари, Алишер Навоийнинг бошқа асарларида ҳам ўзлаштира образларга кенг ўрин берилади: унинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида қадимги араб мифологиясига мансуб “дашт-саҳро деви” маъносини англаувчи *ғул* мифологик образи келтирилган. Хусусан, араб мифологиясида жинлар тоифасига кирувчи ушбу мавжудотнинг эркаги “куртуб” номи билан аталган. Алишер Навоийнинг “Сабъаи Сайёр” асарида ана шундай ўзлаштира мифологик персонажлардан яна: Лот, Уззо, Манот каби образлар мавжуд.¹⁷

Кўринадикки, Инжил ва антик мифлар Европа маданиятининг таркибини акс эттирса, Шарқ исломий фалсафасига асосланган моддий-маънавий

¹²Ҳайдаров Т. “Тўрўғли” ва мифология синкретизми: Филол. фанлари номз. дисс. автореф. -Тошкент, 1993. – Б. 10.

¹³Умарходжаев М.И. Основы фразеологии. – Ташкент: Фан, 1983 – 136 с.; Умарходжаев М.И. Очерки по современной фразеологии. – Ташкент: Фан, 1977. – 104 с.

¹⁴Йўлдошев Б. Фразеологизмларнинг адабий тил нормасига муносабатига доир // Ўзбек тили ва адабиёти, 1992. – № 3-4. – Б. 37-42; Йўлдошев Б. Фразеология тарихидан лавҳалар. – Самарқанд: Сўғдиёна, 1998. – 110 б.; Йўлдошев Б. Фразеологик услубият асослари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1999 – 200 б.; Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеологиясининг шаклланиши ҳамда таракқиёти (монография). – Самарқанд: СамДУ нашри, 2007. – 108 б.

¹⁵Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари. –Тошкент: Фан, 1991. – 276 б.

¹⁶Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. МАТ. 20 томлик. Т.8. –Тошкент: Фан, 1991. – 258 б.

¹⁷Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. 2006. -115 б.

маданиятни ифода этувчи Жануби-Шарқий Осиё мифологияси эса ўзининг турфа қирралари билан кескин ажралиб туради.

Тилшуносликда *мифоним* тушунчаси *мифонимлик*, *мифонимия* терминлари доирасида текширилади, бунда ушбу терминларнинг ономастик кўламга мансуб барча турдаги атоқли отлар учун алоқадорлиги ёки даҳлсизлиги борасида турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, А.В.Суперанская мифонимларни ономастик кўламнинг ўзига хос сектори¹⁸ деб эътироф этади ва бунга сабаб сифатида мифонимлар таркибида деярли барча ономастик кўламга кирувчи исмларни учратишимиз мумкинлиги, аммо у ономастик кўламнинг алоҳида гуруҳи бўла олмаслигини таъкидлайди.

Таниқли олим А.Э.Бегматов эса ўзининг “Ўзбек тили антропонимикаси” номли монографиясида мифонимлар кенг кўламли ономастик бирликлар эканлигини қайд этиб, у мифоантропоним, мифозооним, мифофитоним, мифотопоним, мифогидроним, мифотеоним, мифонекроним, мифоэтноним каби атоқли отлар таркибида учрашини қайд этади.¹⁹

Шунингдек, мифонимларнинг зооним, фитоним, астроним, топоним, некроним, теоним сингари ўзга гуруҳ номланишларига алоқадорлиги мавжуд бўлиб, чунончи, Рим ва юнон афсонавий қаҳрамони *Адонис* (ўлувчи ва тирилувчи ўсимликлар маъбудиди) номи орқали айиктовондошлар оиласига мансуб ўтлар туркуми; *Аполлон* (қадимги юнон мифологиясида қуёш, донолик маъбудиди, санъат ҳомийси, маъбуд-жангчи, каромат маъбудиди) номи билан эса чиройли, йирик, кундузги, елканлилар оиласига мансуб капалак номи ҳосил бўлган.²⁰

Мифонимларнинг теонимика (ономастиканинг илоҳ номларини ўрганувчи бўлими) билан ҳам алоқадор жиҳати уларнинг талқинида кўп ҳолларда теонимлар билан чалкаштиришга сабаб кўрсатади. Негаки қатор пантеонлар (эътиқодлар, мифологик тизимлар)га тааллуқли маъбудларнинг номлари аслида инсон хаёлий тасаввурлари, тўқималарининг маҳсули ҳисобланади ва улар Аллоҳ томонидан нозил қилинган диннинг иродасини ифода этмайди. Шунга карамай, қадимдан кишилар эътиқодий амаллари ва ақидавий қарашлари билан боғланган кўплаб афсонавий қаҳрамон номлари ономастикада теоним сифатида ўрганилади. Масалан, қадимги туркий халқлар пантеонида ушбу самовий худолар *Тенгре*, *Тенгери*, *Тенгри*, *Танри* дея номланган. Бошқа халқлар, жумладан, шумерликлар, оссурияликлар уларни *Дингир*, полонезияликлар – *Тангарао*, хитойликлар – *Тянь(tien)*, Ўрта ер денгизи эламитлари – *Тир*, қадимги германларда – *Тонор*, готлар ва немисларда – *Донар*, французларда – *Тоннеред* деб аталган²¹.

Профессор Б.Иўлдошев теоним, теонимия билан боғлиқ изланишларда аниқ хулосага келинмаётганлиги ва теонимия доираси кенгайиб бораётганлиги ҳақида сўз юритса, М.И.Мальгасова теонимия ҳодисасини кенг талқин

¹⁸Суперанская А.В. Общая теория имени собственного. – С.180.

¹⁹Бегматов А.Э.Ўзбек тили антропонимикаси. – Тошкент: Фан, 2013. – Б. 48.

²⁰Зоҳидов Т.З. Зоология энциклопедияси. Қушлар. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1957. – 127 б.

²¹Бакиров М. Феномен параллелизма древнейших мифологических параллелизма. X. – С.3.

киладихамда демонимлик ҳодисасини теонимик сўз туркумлари таркибидаги семантик гуруҳ сифатида қайд этади ²².

Мифонимияда сиёсий динларда энг аниқ ифодаланган теонимия (худолар номи) ва демононимия (турли хил арвоҳлар ва ёвуз руҳлар) алоҳида ўрин тутади. ²³ Бу қадимги мифларнинг қаҳрамонлари: Аид, Ахерон, Цербер, Орфей, Сизиф ва бошқалар; Скандинавия эпосининг реалиялари: Фрейя, Один, Рагнарёк, Фенрир, Йотунхейм; рус халқ эртаклари қаҳрамонлари: Баба Яга, Ўлмас Кощей, Шахзода Иван. ²⁴

Ономастик кўламнининг яна бир муҳим йўналиши ҳисобланган демонизм ҳам бугунги даврнинг муҳим тадқиқот объекти сифатида баҳоланмоқда. Демонизм қуйидаги кўринишда ифодаланади: 1) жинларга, яъни ёвуз руҳларга ишониш; 2) инсоннинг ўзгалар дардидан роҳат топишида ифодаланган характер хислати; 3) шайтоний табиатлар, яъни мағрур, маъюс, кўнгли очик, ёлғиз ва хор, одамларни ва бутун дунёни ёмон кўрувчи сифатлар. ²⁵

Мифонимлар тарихий жиҳатдан теонимлар билан бир илдизга эга бўлса ҳам, қисман улардан фарқланади. «Мифологик» сўзи ифодаловчи тушунча «теонимик» сўзи англатадиган тушунчадан кенгрок, теология мифология доирасига сиғади, лекин мифология теология кўламида жойлашмайди—теологиямифологиядан униб чиққан. ²⁶

XII асрдан бошлаб теонимик антропонимлар “Қутадғу билиг”, “Ҳиббатул Ҳақойиқ”, “Қиссаси Рабғузий”, “Боқирғон китоби” каби туркий-адабий ёдномаларда ҳам қўлланила бошланди. Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва хукамо” асари ана шундай теонимлар таҳлилига бағишланган. ²⁷

Инглиз тили лексикологияси дунёдаги жуда кўп тиллар билан алоқадорликни, шу орқали Европа тиллари ўртасида ўзига хос “кўприк” вазифасини намоён этади (ўз даврида В.Шекспир ўзининг “Гамлет” асарида инглиз тили ва бошқа тиллар ўртасидаги алоқадорликни таърифлаб, *Der er noget radden I Danmark rige. Lykken er en cigar, der hedder Hamlet* деб ёзганди). Бинобарин, дания ва нуданск (янги дания тили) ва инглиз тилида *djinn-жун* сўзи бир хилликни ифодаласа, *devil-diabolus* сўзи лотин тили орқали ўзлаштирилган, лотин тилига эса бу сўзлар юнон тилидан ўзлаштирилган. Кейинчалик эса англо-сакслар маҳаллий сўзлар ҳисобидаги *Easter, heaven, hell, sin* каби сўзларга диний тус берган ҳамда Янги Христиан назариясини яратиш мақсадида ушбу сўзлардан қўшма сўзлар ҳосил қилган ²⁸.

²²Мальгасова М.И. Теонимическая лексика в русском языке. (На материале художественной литературы). Автореферат. - С.28.

²³Подольская 1987.– С. 180-181.

²⁴Родионова Л.П. Прецедентные и аллюзивные имена собственные в ранних романах А.О.Белянина. Диссертация. – Смоленск. 2018. – С. 39.

²⁵Попов М. Полный словарь иностранных слов, вошедших в употребление в русском языке. 1907.

²⁶Акбарова З. Ўзбек тилида мурожаат шакллари. – Тошкент: Академнашр, 2015. – Б. 68.

²⁷Хусанов Н. XV аср ўзбек ёзма ёдгорликлари тилидаги антропонимларнинг лексик-семантик ва услубий хусусиятлари. 1-қисм. – Тошкент: Ёзувчи, 1996. – Б. 26-119.

²⁸A dictionary of foreign words and phrases in current English. Bliss, Alan, Joseph. 1966. New York: Dutton. P.4

Мазкур боб доирасида яхудий, христиан, буддизм, Ислом динида фаришталарнинг талқинига доир материаллар лингвомаданий таҳлил этилди. Жумладан, биринчи фаришта суратлари 5000 йил илгари ҳозирги Ироқ худудидаги қояларда акс эттирилган. Библияда улар Исо Масихнинг таваллуди жараёнида ҳамда ер юзида яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги кураш доирасида яққол тасвирланади. *The angel*– “фаришта” сўзи *хабарчи* маъносини англатади: сумериан халқи ҳар бир инсоннинг *kurubi* деб аталувчи ўз химоячи фариштаси борлигига ишонишган²⁹.

Забурда фаришталарнинг сон-саноқсиз эканлиги таъкидланади ва юнон тилида уларга нисбатан *myriad* сўзи ишлатилади, бу эса ўнг минглаб, инсон ақли етмас даражада беҳисоблигини англатади. Библияда фаришталар руҳлар кўринишида бўлиши ва баъзида, жисмонан мавжудлиги таъкидланади. Инглиз тилшунослигида “*The angels of ministers*” ибораси мавжуд. Бу иборада келган *minister* сўзи юнон тилидаги *diakoneo* сўзи билан синоним ҳисобланади. *Diakoneo* сўзи “хизмат қилиш”, “иштирок этиш” маъноларини билдиради. *Heavenly deacons* жаннат хизматчилари *angel*– фариштасўзи билан тенг равишда ишлатилиши мумкин.³⁰

Қадимги Аҳдда ҳам фаришталар хабарчи, Аллоҳ сўзларини пайғамбарларга етказувчилар экани айтилади. Энг кучли фаришталар *Архангеллар* дейилади. Улар Аллоҳ ва инсон ўртасида воситачидир ва улар асосан тўрттадирлар. Майкл – осмонжангчиси, Жаброил эса самовий расулдир. Рафаэл – Худонинг шифокори ёки ёрдамчиси бўлади, Уриел эса дунё ва жаҳаннамнинг энг паст қисмини назорат этади: *The most powerful angels of the Old Testament are archangels, or chief angels, who act as liaisons between humans and God. Four archangels are mentioned in the Old Testament. Michael is the warrior of heaven, and Gabriel is the heavenly messenger. Rafael is God's healer or helper, and Uriel watches over the world and the lowest part of the hell.*³¹

Ислом оламида ҳам тўрт улуғ фаришта мавжудлиги таъкидланади ва биз бу ўринда инсоният камолотидаги динлараро яқин муносабат, ўхшашлик мавжудлигини кўришимиз мумкин: Жаброил алайҳиссалом – фаришталарнинг энг улуғи. Аллоҳ таолодан пайғамбарларга ваҳий келтирган фаришта; Микоил алайҳиссалом – раҳматга, ризққа маъмур (вазифали) бўлган фариштадир; Исрофил алайҳиссалом – фоний олам охирлаб, қиёмат келганда сур чаладилар; Азроил алайҳиссалом – жонларни олишга вазифадор фаришта.

Cherubim, cherubs –Қадимги Аҳддаги кейинги ўриндаги муҳим фаришталар ҳисобланади ва уларнинг номи 91 марта учрайди. “*Cherub*” сўзи яхудийча *kerubh* сўзидан олинган бўлиб, “билимларга тўла”, “шафоат кўрсатувчи”, “шавқат қилувчи” маъноларини англатади.³²

²⁹ Angels. Kallen. Stuart A. 1955. San Diego, CA : Referencepoint Press P.10.

³⁰ Angels, angels, angels. Leavell, Landrum P.1973.p.59.

³¹ Angels. Kallen. Stuart A. San Diego, CA :Referencepoint Press. 1955. P.14.

³² Angels. Kallen. Stuart A. San Diego, CA :Referencepoint Press. 1955. P.14.

Яхудий, христиан ва Ислом динидан фарқли ўлароқ, ҳинд мифологиясида фаришталар муҳим роль ўйнамайди. Ҳинд халқи эркак ва аёл худоларга сифинишган ва бу анъана ҳозирги кунгача сақланиб қолган. Ҳинд илоҳиётшуноси Гуру Маҳаражи: “Ҳиндлар ҳеч қачон фаришталарни кўрмаган, улар фақат худоларнигина кўришган” – дейди. Ҳинд мифологиясида фаришталарга хос сифатларга эга бўлган илоҳлар *devas, devatas, vandevatas* дейилган. *Devas* – “порлоқ”, “ёркин” маъноларини англатган ва уларни асосан дарахтларда яшашади деб ўйлашган. Шу сабаб динга эътиқоди баланд кишлоқ аҳли эски дарахтларни кесишдан жуда чўчишган (масалан, ҳинд халқ оғзаки ижодида *kshetrapala* деб номланувчи “кишлоқ худолари” ҳақида сўз боради. Улар асосан уч кўзли, кўллари қонга бўялган ҳолда акс эттирилади). Ҳар бир соҳа вакиллари ўзларининг илоҳаларига эга бўлишган ва уларнинг сони 33 миллионгача бориб етган.³³

Бугунги замонавий талқиндаги Инжил китобларида *lucifer* сўзи учрамайди. “Шайтон” маъносини англатувчи ушбу сўз Қирол Жеймс Библиясида (Isaiah 14:12) фақатгина бир бора учрайди: “How art thou fallen from heaven, O Lucifer, son of the morning! how art thou cut down to the ground, which didst weaken the nations!” *Lucifer* – Жаннатдан қувилишдан ва ер юзига туширилишидан олдин шайтонга нисбатан ушбу ном ишлатилган.³⁴ *Lucifer de Morte tightened his jaw and clamped his eyelids shut. The sheep tallow used to oil his saddle oozed between his leather-gloved fingers*³⁵ (*Луцифер жағларини қисди, кўз қовоқларини ёнди. Кўй ёғлари унинг тери қопланган бармоқлари орасидан сирғалиб тушди.*) Ўзбек диний матнида бу образнинг прототиби азозил бўлиб, азозил – шайтон, иблисининг номи. (*Уламога тил текизган азозил бу, уринглар. Ойбек, Улуғ йўл*)³⁶

Satan-hater (нафратланувчи) – биламизки, нафрат барча ёвузликларнинг бошланишидир. Нафрат орқали ўғирлик қилинади, қотиллик қилинади, рашк, ҳасад ва ҳоказо иллатлар эшиги очилади. Нафрат агар юракда оловланса, у барча ёвузликларга қодир.

Жинлар яхши ва ёмон жинларга бўлинади. Ҳеч кимга фойдаси тегмайдиган жин – *jän*, *кучли ва зарарли жинлар* – *ifrits*, энг ёвузлари ва иблис малайлари – *mārids* дейилади. Инсон вафот этгандан сўнг ўзи вафот этган жойини таъқиб этиш мақсадида *ifrits* – ёвуз жинларга айланишига баъзи инсонлар ишонганлар. Энг хавфли ва энг ёвуз жинлар *ghouls* ёки *si`lats* дейилган. Эътиборлиси шуки, жинларнинг шоирлар ва ёзувчиларга илҳом бахш этувчи *шайтон* деган тури ҳам мавжуд. Бу турдаги жинлар Яман яқинидаги Абарда яшашган. Жинлар инглиз тилида *genie, Jinn, djinn* сўзлари билан ифодаланган.³⁷ Шунингдек, у айрим адабиётларда *jinnēe, jinni* сифатида қайд этилади³⁸ (*djinnēe*³⁹ шакли француз тилидан олинган).

³³ Angels. Kallen. Stuart A. San Diego, CA : Referencepoint Press. 1955. P.25.

³⁴ Evil character traits of Satan. David J. Stewart. January, 2019. 3.24.2021.

³⁵ Seraphim. Hauf Michele. 2006. New York: Luna Books. P13.

³⁶ Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Б. 50.

³⁷ Fabled cities, princes and jinn from Arab myths and legends. 1995. New York: Peter Bedrick Books. P.101.

³⁸ Foreign phrases. King, Graham. 1930-1999. Harper Collins. P.44.

Муқаддас Қуръони Каримда ҳам бир гуруҳ жинлар Расулulloҳ ҳузурига келиб, Қуръон тиловатини тинглаб, сўнг имон келтирганлари, умуман жинлар билан инсонлар ўртасидаги муносабатлар, яхши ва ёмон жинлар ҳақида маълумотлар келтирилади: The emperor was impressed by Aladdin's extraordinary wealth. He agreed and a wonderful wedding feast was held. Afterwards, Aladdin commanded the **genie** of the lamp to conjure up a magnificent palace for them to live in.⁴⁰ (Ҳукмдор Оловуддиннингфавқулоддабойлигидан хайратга тушди. У рози бўлди ва ажойиб тўй байрами ўтказилди. Кейинчалик, Оловуддин чироқнинг жинига яшаш учун ажойиб сарой қуришни буюрди.)

“Тилшуносликда “мифоним” терминининг талқини масаласи” деб номланган иккинчи бобда эса жаҳон ва ўзбек тилшунослигида *мифоним* ва унинг талқинидаги ихтилоф, инглиз ва ўзбек тилларида мифоним компонентли ифодаларнинг лисоний табиатида эпонимлашув ва деонимлашув масаласи, тилшуносликда фразеологизм ва ўзга турдаги турғун бирикмаларни таснифлаш масаласи, инглиз тилида фразеологик бириклар талқини, мифоним компонентли фраземалар объектида мифик образ ва эътиқодий дунёқараш муносабатининг ифодаси, ўзбек ва инглиз тилларида мифофраземаларнинг лексик-семантик, синтактик муносабатлари масалалари муҳокама этилган.

Мифик образ номининг реал шахс, предметга ўтишида бу жиҳат муҳим аҳамият касб этади. Бироқ бир даврда реалионим мақомидаги сўзнинг давр ўтиб мифонимга айланишида нафақат тилларнинг хос табиати, балки турли лингвомаданиятларнинг хусусиятидан келиб чиқиб хулоса қилиш лозим.

Л.М.Сапожникова реалионим ва мифонимларда бирламчи номлашнинг вазилавий-маъновий жиҳатдан: 1)нейтрал ономастик номлаш, 2)реалионимнинг мификлашуви, 3)ономастик таққосдан иборат уч типдаги турини фарқлайди⁴¹. Реалионимнинг мификлашуви жараёнида атоқли от ўзи иштирок этган матнда бирламчи аташ хусусиятини ифодалайди, бироқ контекстуал жиҳатдан энди тўқима ва бадий бўёқдорлик, тасвирийликка хизмат қилувчи маънони моддийлаштиради.

Илмий дискурда реалионимнинг мификлашувига хос *рентген, макинтош, ампер, ил-2* (авиакоструктор С.В.Илюшин номидан), *як-3* (авиаконструктор А.С.Яковлев), *ватман* (Ж.Ватман), *маузер, саксофон* (А.Сакс), *сандвич* сингари луғавий бириклар ўзбек нутқида оммалашган бириклар ҳисобланади ҳамда бир қарашда мифонимга хос семантикани намоён этмайди. Негаки, бу сўзлар бирламчи термин мақомига эга, бироқ сўзлашув нутқидаги фаоллик эвазига энди уларни (*рентген, ампердан* фарқли) атама қаторида баҳолаш мумкин.

Ўзбек тилида бу тоифадаги номлаш жараёнида реалионимнинг тўғридан-тўғри мифоним – атоқли отнинг ҳосил бўлиши эмас, асосан аниқловчи-

³⁹A dictionary of foreign words and current English. Bliss, Alan, Joseph. 1966. P.44.

⁴⁰Aladdin. Kerven, Rosalind. 1954. London. Dorling Kindersley. P 16.

⁴¹ Сапожникова Л.М. Типы первичной ономастической номинации при актуализации реалионимов и мифонимов. Вестник ТвГУ. Серия "Филология". 2017. № 2. С. 139–145.


аниқланмиш, изоҳловчи-изоҳланмиш курилмасидаги атрибутив оборот таркибида ифода топиши кузатилади (масалан, *хатти Бобурий, гижжаки Бобурий, Жалолиддин Мангуберди (номидаги кўча) кўчаси, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети* сингари). Мисоллар кўрсатиб турибдики, эпонимик ном бўлиши учун ушбу турғун курилмалардаги *номли, номидаги* аниқловчилари, шунингдек, форсий изофа хусусиятлари ўрнида шу номларнинг эпоним билан бевосита алоқаси таъминланиши шарт. Масалан, *хрушёвка* (собик шўро даврида курилган 5 қаватли, ғиштли-панелли, кичик майдонли уйлар), *август* (Октавиан Август), *апрель* (юнон афсонавий Афродитаси), *июль* (Юлий Цезар), *блютус* (ингл. *Harald Bluetooth*), *вокзал* (*Jane Vaux, Фаухе* ёки *Fawkes*дан Воксхолл), *вулқон* (Рим афсонавий Вулқони), *гигиена* (афсонавий Асклепий қизи Гигиеня), *одеколон* (*Eau de Cologne*), *океан* (афсонавий Океан), *сатин* (зайтун) сингари эпонимик номларда бўлгани сингари, ўтмишда яшаб ўтган реал шахс, мифологик қаҳрамон, жой, фирма номининг келгусида предмет, ашё номига бевосита ўтиши ўзбек лингвомаданиятига хос эмас. Европа тилларида бўлганидан фарқли, ўзбек тилида шахс номи унга алоқадор предмет, ашёга бевосита ўтмайди, аксинча, шахс номига ишора қилиш шу предметнинг тегишлилик белгиси (*-нинг*, шунингдек, форсий изофа графемаси) орқали ифодаланади. Бу ҳолатда ҳосила номни мифоним деб аташ эса мазкур термин хусусиятига зиддир. Бундан фарқли, ўзбек тилидаги “*Темурбеклар мактаби*” номинативининг бош семантикасини ташкил этувчи *Темурбеклар* лингвистик жиҳатдан мифоним ҳисобланади. Бизнингча, бу тоифадаги номлаш ўзбек тилига рус тилидан, собик шўро мафкураси таъсирида кўчган (масалан, *стахановчилар* каби) ва уни туркий тиллар лингвомаданиятига хос деб бўлмайди.

Ўзбек лингвомаданиятига мифоним термини остида соф тўқима, хаёлий тушунчани ифодалашдан фарқли, миллий мифологик манзарани таркиб топтирувчи соф афсонавий образларнинг номларини тушуниш хос, реалионимнинг мификлашув жараёнига тегишли истисно ҳолатлар эса (*Ҳамид Олимжонлар, Зулфиялар*) ўзбек тили луғавий тизимида мазкур номларнинг тўлиқ турғунлашганини англатмайди. Аксинча, бу ифодалар нутқ экспрессиясини таъминлаш, матнга киноя ёхуд эътироф руҳи ва юқори пафосни бағишлаш мақсадида қўлланилади ва аксар ҳолларда лақаб, таҳаллуснинг юзага чиқишида муҳим омил ҳисобланади.

Реалионимнинг мифоним мақомига ўтиши фанда эпонимлашув ва унинг бир кўриниши бўлган деонимлашув доирасида амалга ошади. Лекин турли тизимли тилларда бу ҳодиса турли лисоний табиатни намоён этади. Буни куйидаги фаслда батафсил кўриб чиқамиз.

Лисоний жиҳатдан эпонимлашув трансонимлашув ва деонимлашувдан иборат икки йўл билан содир бўлади. Бундан ташқари, ҳосила ном юзага келишининг онимлашув тури мавжуд бўлиб, у турдош от номи асосида атокли номнинг вужудга келишидир (*Юлдуз, Сетора, Атиргул, Чиннигул, Лола, Олмаҳон, Анора, Зироат, Само, Файз, Нисо, Қудрат, Темир, Мисир, Салом,*

Олмос, Қилич, Теша, Тожи, Бўри, Қўчқор (антропонимлар), Ақраб, Ёй, Қавс, Қисқичбақа, Қўй, Тарози (астронимлар), Артел (эргоним) ва б.). (1-чизма):



1-чизма. Ҳосила номнинг вужудга келиш йўллари

Биз улардан асосан деонимлашув ҳодисасига тўхталдик. Деонимлашув атоқли номнинг турдош отни ифодаловчи объектга янги ном бўлиб кўчишини билдиради. Бинобарин, ўзбек тили фразеологиясида трансонимлашган компонентли бирикмалар деярли мавжуд эмас, гарчи инглиз тилида бу тоифадаги турғун бирикмалар кам миқдорда бўлса-да, учрайди. Бу вазиятда икки тил материални таҳлилга тортишдан маъно йўқ. Деонимлашув эвазига ҳосил бўлган мифонимли фраземаларнинг ҳар икки тиллардаги иштироки эса, нисбатан умумий белгиларни намоён этди.

Инглиз ва ўзбек тилларида эпонимлашув ҳодисаси асосан фан-техника, тиббиёт ва тарих билан боғлиқ терминларда ўз аксини топади. Эпоним икки маънода тушунилади. 1. Реал ёки мифологик шахс номининг шахар, мамлакат, маълум давр ва шу каби ҳолатларга нисбатан кўчиш жараёнидир. *Romulus* – Рим сўзининг эпоними; 2. Реал ёки ҳаёлий шахс номининг маълум давр, воқеа, жисм ва шунга ўхшаш сўзлар билан маънодошлик ҳосил қилишидир.⁴²

Бизэпонимик номларни асосий тўрт кўринишда тавсифлашни маъқул кўрдик. Яъни:1) мутлақ эпонимлар (*оливье, шампан, ампер, ватман, макинтош, рентген, бойкот, баян, вулқон, океан, блютус, одеколон, фауна* (Рим мифологиясида дала ва ўрмонлар маъбудаси⁴³), *фауна* (Рим мифологиясида: гуллар, баҳор ва ёшлик маъбудаси⁴⁴), *Big Ben, Barbie doll, Lazy Susan, caesar* (русча *царь*), *кардиган* (граф Кардиган фамилиясидан), *панталон* (итальян комедиясининг қаҳрамони Панталон номидан), *кеда* (*Keds* фирма номидан олинган енгил спорт оёқ кийими), *жакузи* (Jacuzzi компанияси номидан), *фломастер* (Flo-Master компанияси), *фен* (FOEN компанияси) ва б.);2) нисбий эпонимлар (морфологик йўл билан ясалган нотўлиқ эпонимик номлар: *алгоритм, магнолия, январь, февраль, академия, паркинсонизм,*

⁴²Webster`s New world dictionary of eponyms:common words from proper names. Douglas Auriel. 1990. New York. Webster`s New world:Distributed by Prentice Hall Trade Sales

⁴³⁴³Мисоллар қуйидаги манбадан олинди: Мирсанов Б.М. Немис ва ўзбек тилларида мифонимлар асосида шаклланган иккиламчи номлашлар /Хорижий филология №4, 2019 йил.

⁴⁴⁴⁴Мисоллар қуйидаги манбадан олинди: Мирсанов Б.М. Немис ва ўзбек тилларида мифонимлар асосида шаклланган иккиламчи номлашлар /Хорижий филология №4, 2019 йил.

веронал, малапропизм, догберризм, дикензиан, шовинизм, caesarea, caesarean, caesarism, caesarist, caesaricize, caerorapapism);3) эпонимик коллокациялар (грамматик йўл билан ясалган бирикмали номлар: *ғижжжаки Бобурий, Темурбеклар мактаби, мажнунтол, Мачадо – Джозеф касаллиги, Фреголи алахсираши, Менделеев даврий жадвали, Кирилл алифбоси, ил-2, як-40, Charlinesque, Charlie Chaplin mustache* ва б.);4) метафорик, метонимик ном кўчишидан ҳосил бўлган номлар ва турғун қурилмалар (*ошиқ Фарид, Мажнун, Навоийни олдим қўлимга, Москва кўз ёшларга ишонмайди, Чайковскийни тингламоқ, Chinaman`s chance, old Adam in us, Alexander`s beard, California widow* ва б.). Мазкур ифодалар таркибига, шунингдек, *Фарҳод, Қайс, Алпомиш, Барчиной* сингари поэтонимларни ҳам мансуб қилиш мумкин, лекин нутқий кўламда улар асосан, окказионал табиатни ифода этади ҳамда матнга таъсирчанлик, жозибadorлик бағишловчи эстетик вазифага хосланади.

Биз эпонимлашув, деонимлашувнинг мифонимларнинг ҳосил бўлишидаги аҳамиятини сўзсиз инобатга оламиз ҳамда эпоним орқали ҳосил бўлган мифоним сифатида атоқли номнинг турдош от номига ҳеч қандай формантларсиз (*паркинсон+изм, верона+ал, малапроп+изм, догберр+изм, дикенз+иан, шовин+изм*), бевосита маъно кўчимини ифодаловчи тасвирий воситалардан (*Навоийни олдим қўлимга, Москва кўз ёшларга ишонмайди, Чайковскийни тингламоқ*), шунингдек, эпонимик коллокациялар (*ғижжжаки Бобурий, Зулфияхоним издошлари, Альтигеймер касаллиги, Charlie Chaplin mustache*)дан холи кўчишини тан оламиз.

Ўзбек тили луғавий бирликлари ўртасида деонимлашув даражаси инглиз тилида бўлгани каби юқори эмас. Зеро, инглиз тили атоқли ва турдош отларнинг деонимлашувидан ҳосил бўлган мифонимларга бой тил ҳисобланади.

Ўзбек тилидаги мифоэпонимларнинг асосий қисми ўзлашмалар ҳисобланиб, киши фамилиялари асосида ҳосил бўлган. Хусусан, *бойкот* (манбаларда бу сўзнинг маъноси “иктисодий кураш” сифатида талқин этилади, бироқ мазкур сўзнинг маънодошлари текширилганда, 60,9 фоиз кўрсаткич унинг *исён*, 2,7 фоиз *қўшилмаслик*, 2,4 фоиз *саботаж* (яширин норозилик, қаршилик), 2,1 фоиз *рад этиш*, *йўқ қилиш* маъносида тушунилиши аниқланган) – Ирландияда катта ер эгаси капитан Чарлз Бойкот номидан ҳосил бўлган. Шунингдек, *dahlia* (картошкагул) швед ботаниги Андрес Далл, италиялик физик Алессанро Вольт номидан ҳосил бўлган *вольт* сўзлари бунга мисол.

Ўзбек тилида деонимлашув ҳодисаси инглиз тилидаги деонимлашувдан кўп ҳолатларда ном ҳосил бўлишининг референтатив асосига кўра фарқ қилади. Яъни ўзбек тилидаги деонимлашган бирликлар кишиларнинг ички ва ташқи характер хусусиятини акс эттирувчи белгилар орқали юзага чиқади ва асосан сифат туркумидаги сўзларда намоён бўлади. Аммо ҳосила номинативларнинг барчасини ҳам лисоний жиҳатдан турғун деонимлар деб ҳисоблаш тўғри эмас. Яъни ўзбек тилида мавжуд деонимлашган мифонимлар лисоний қийматдан кўра кўпроқ нутқ вазиятига мос окказионал қўлланиш

хусусиятига эга ҳамда инглиз тилида бўлгани каби, ономастиканинг мустақил объекти бўла олмайди.

Маълумки, Ғарб тиббиёти ва илм-фанида эпоним эвазига ҳосил бўлган терминлар анчагина кўп, ҳатто бу ҳолат уларнинг тиббиёти учун стандарт ҳол ҳисобланади⁴⁵. Мазкур соҳада эпонимлашувни қуйидаги таснифда келтириш мумкин: а) касалликка ташхис қўйиш мураккаблашганда унинг белгиларини аниқлаган шифокор, тадқиқотчи (м., *Aarskog–Scott syndrome (a.k.a. Aarskog syndrome)*); б) шу касаллик билан оғриган бемор (м., *Лу Гериг касаллиги; Хартнуп касаллиги; Мортимер касаллиги; Фреголи алахсираши*); в) тегишли касалликнинг белгилари аниқланган илк оила аъзолари (*Мачадо – Дездемоф касаллиги*); г) тўқима образлар – мифонимлар (Ч.Диккенс қаҳрамони мисс *Хэвишем синдроми*, Н.Гогол қаҳрамонининг шарафига номланган *Плюшкин синдроми*, Р.Э.Распе қаҳрамони номидан *Мюнхаузен синдроми*)нинг номи мазкур терминларнинг шаклланишида эпоним вазифасини ўтаган. Худди шундай тиббий фразеологик номинативлардан 556 таси Викилуғатда эълон қилинган бўлиб, улар орасида *Alice in Wonderland syndrome (AIWS – мўъжизалар мамлакатига Алиса синдроми)* номи ҳам бор⁴⁶.

Шу каби, фанда хотирани йўқотиш билан боғлиқ Алцгеймер касаллиги (невролог ва психиатр А.Алцгеймер номидан⁴⁷) ёки Гипократ қасами⁴⁸, Менделеев даврий жадвали, Кирилл алифбоси⁴⁹ каби фразеологик номинативлар мавжуд бўлиб, улар ҳам юқорида тилга олинган мисоллар сингари мутлақ эпоним номлар бўлмасдан, аниқловчи-аниқланмиш таркибида тегишли референтга ишора қилмоқда, уни бевосита ифода этмасдан, қарашлилик маъносини ифодамоқда. Демак, тадқиқ объектими бўлган мифоним компонентли фразеологик бирликлар доирасига биз фақат мутлақ эпонимларни кирита оламиз. Чунки бундай номлар бевосита реалионим-мифоним муносабатини акс эттиради.

Ўзбек тилида деонимлашув ҳодисаси асосида ҳосил қилинган мифоним компонентли фразеологик бирликлар деярли учрамайди. Мавжудлари ҳам асосан ўзлашмалар ҳиссасига тўғри келади. Чунончи, ўзбек тилида бу усул билан боғлиқ турғун бирикмалар *тасвирий ифода* сифатида қаралади. Бу сингари деонимлашув ҳодисаси баъзи ўзбек мақолларида учраб туради. Жумладан: *Ит ётиш – Мирза туриш* каби. Бу ҳолат инглиз тилидаги мифоним компонентларни бир вақтнинг ўзида реалионим-мифоним асосида ҳосил бўлган эпоним фраземалар ҳамда соф тўқима образни ифодаловчи мифоним компонентли фраземалар мисолида, ўзбек тилидаги мифоним компонентли фраземаларни эса соф мифонимлар асосида шаклланган турғун бирикмалар мисолида кўриб чиқишни тақозо этади. 1. Мутлақ мифонимлар. Бу

⁴⁵https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_eponymous_diseases, Merton R K, 1973.

⁴⁶https://en.wikipedia.org/wiki/List_of_eponymous_diseases.

⁴⁷ Maurer K. Maurer U. Alzheimer: The life of a physician and career of a disease. New York. Columbia University Press. 2003.

⁴⁸ Wellington`s, Watts and Windsor knots: how the names became the words. Sholl, Andrew. 1997. Lincolnwood III.: Contemporary Pub. Co. p. 9-15.

⁴⁹ Wellington`s, Watts and Windsor knots: how the names became the words. Sholl, Andrew. 1997. Lincolnwood III.: Contemporary Pub. Co. p. 50-118.

соф мифоним бўлиб, тўқима, афсонавий образлар номидир. Масалан, *фаршита, пари, дев, циклоп, медуза, Нарцис, Афродита, Гермес* ва б. 2. Нисбий мифонимлар. Реалионим асосида ҳосил бўлган мифонимлар: *макинтош, ватман, рентген, саксофон, блютуз, бойкот* ва б.

Тадқиқот доирасида фанда фразеологик бирликларнинг ўрганилишига доир Ш.Раҳматуллаев⁵⁰, В.В.Виноградов, А.Н.Баранов ва Д.О.Добровольский, А.Вежбицкая⁵¹, Л.С.Аркитская⁵², А.Назарян⁵³, А.А.Йўлдошев⁵⁴, З.Г.Ураксин⁵⁵,

Р.Глэзернинг⁵⁶ қарашлари таҳлил қилинди. Хусусан, идиома, фраземалар, фразеологик бирикмалар ва барқарор жумлалар ([мақол](#) ва маталлар, гапга тенг қурилмалар) ўртасидаги муайян тафовутларга қараб кўплаб тадқиқотчилар фразеологияни 2 хил: [торва](#) кенг маънода тушунадилар. Уни кенг маънода тушунилганда, фразеология доирасига мақол ва маталлар, фольклорга хос барқарор жумлалар, баъзи мулоқот шакллари (саломлашиш, хайрлашиш жумлалари) ҳам киритилади. Лекин бу масала, яъни фразеологияни кенг маънода тушуниш масаласи ҳануз мунозарали бўлиб қолмоқда.⁵⁷

Ш.Балли фразеологик семантикани уларнинг мутлақ белгиси⁵⁸ деб эътироф этиб, бирикмаларни лексик-грамматик, семантик ва синтактик яхлит бириклар эканлигини таъкидлайди. В.В.Виноградов, Н.М.Шанский, О.С.Ахманова, В.Л.Архангельский, Ю.А.Гвоздарев, А.Г.Назарян, С.Ройзензон, Ю.Авалиани, А.Бушуй каби тилшунослар фразеологизмларни семантик ҳодиса⁵⁹ эканлигини эътироф этадилар. Туркий тилшунослар З.Г.Ураксин, Г.А.Байрамов, Ф.А.Ғаниев, Г.Х.Ахунзянов, Л.К.Байрамова, М.Ф.Черновлар⁶⁰, ўзбек тилшунослигида Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, А.Маматов каби тилшунослар *икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган, тузилиши жиҳатидан бирикмага, гапга тенг, мазмунан сўзга муқобил, яхлитлигича устама кўчма маъно англатадиган луғавий бирикларни*⁶¹ фразеологик объект деб эътироф этадилар.

Профессор А.Маматов фразеологик маънонинг шаклланишини қуйидаги хусусиятларга кўра гуруҳларга бўлган: 1. Сўз бирикмалари ва гапларни кўчириш асосида фразеологик маъно ҳосил қилиш. 2. Спонтанлик асосида фразеологик маъно ҳосил қилиш. 3. Лексемаларнинг мантикий асосида

⁵⁰Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. –Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1992. –Б.5.

⁵¹ Foreign language phraseology in the US: Contrastive analysis of Verbal collocations. Natalia F. Mikheeva Pablo Ramirez Rodriguez. Peoples` friendship University of Russia, Moscow, Russia. P.64.

⁵²Аркитская Л.С. Сложные и составные глаголы в кумыкском языке. АКД. М. 1990. Стр.18-19.

⁵³Назарян А.Г. Фразеология современного французского языка. –М., 1987. –С. 33–39.

⁵⁴Юлдашев А.А. Принципы составления тюркско-русских словарей. – М.:Наука, 1972. – С. 214.

⁵⁵Ураксин З.Г.. Фразеология башкирского языка. – М.: Наука, 1975. – С. 20.

⁵⁶Gläser Rosemarie. The Stylistic Potential of Phraseological Units in the Light of Genre Analysis /Rosemarie Gläser // Phraseology: theory, analysis, and applications / ed. by A. P. Cowie. – ClarendonPress: Oxford, 1998. – P.125.

⁵⁷<https://qomus.info/encyclopedia/cat-f/frazeologiya-uz/>

⁵⁸Балли Ш. Французская стилистика. -М., 1961 -С. 98.

⁵⁹Бушуй А.М. Библиографический указатель литературы по вопросам фразеологии. Вып.IV-V. –Самарканд, 1976, 1979. –С.300-246; Бушуй А.М. Лексикографическое описание фразеологии. – Самарканд, 1982. –С.114;

⁶⁰Йўлдошев Б., Рашидова У. Ўзбек фразеологияси. Библиографик кўрсаткич. –Тошкент: Наврўз, 2016. –Б.48.

⁶¹Раҳматуллаев Ш. Нуткимиз кўрки.–Тошкент: Фан, 1970. –Б.56.

фразеологик маъно ҳосил қилиш⁶². А.Э.Маматов қатъий қилиб таъкидлаганидек, “фразеологияни кенг” ва “тор” маънода тушуниш нотўғри, уни битта маънода тушуниш керак. Улар қандай тил бирликлари деб тасниф қилинишидан қатъий назар, афоризмми, мақол ёки маталми, турғун сўзлашув формулаларими, “қанотли сўзлар”ми, хуллас, агар улар фразеологизмнинг биз берган таърифига мос тушса, ундаги талабларни бажара олса, яъни тузилиши жихатидан сўз бирикмаси ёки гапга тенг бўлган, образли, умумлашган маъно англатадиган, лексик элементлари қисман ёки тўлиқ кўчма маънога эга бўлган, луғатларда қайд этилган ҳар қандай турғунбирликлар фразеологик бирликлар таркибига киритилиши шарт.⁶³

Мазкур боб доирасида, шунингдек, инглиз тили фразеологик сатҳига лингвистик шарҳ берилди.

Инглиз тилида фразеологик бирикмалар куйидаги кўринишда намоён бўлади: Идиоматик бирликлар ҳисобига: **Baker`s dozen** – *нонвой дюжинаси* (We were asked to bring the *baker`s dozen of eggs* (Бизга ўн учта тухум олиб келиш буюрилди); **Bury the hatchet** – *болтани кўймоқ* (How do I *bury the hatchet* with Stephie? (Стефи билан қандай ярашсамэкан?⁶⁴) каби.

Баъзида мақоллар ҳам фразеологик бирикма бўлиб келади:

Grey mare is the better horse – Урғочиот – яхшиот.

а) Аслияти номаълум бўлган контекстлар таркибида учровчи идиомалар асосида: *Darby and Joan* – бахтли жуфтлик, *bell the cat* – таваккалқилмоқ.⁶⁵

Mary`s and Bernard`s life reminded me of Darby and Joan, always together. It was beautiful. – *МарияваБернардбахтлижуфтлик.Ҳамишабирга; Someonehastobellthecatandtellthebosswearen'tgoingtocomeintoworkonSaturdaysan umore.Кимдирхавфнибўйнигаолибхўжайингашианбакунишигакелмаслигимизни айтишикерак.*

б) киши номларини англатувчи бирлик шаклдаги атоқли отлар: Jack Johnson, Joe Miller каби.

с) жонсизнарсаларни жонлантириш, ташхиссанъатиорқали: *cat`s pyjamas* – *мушукпижамаси* деб аталадиган ушбу фразеологик бирлик “энг яхши инсон”, “энг яхши ғоя” маъносида келади. (This singer is the *cat`s pyjamas* – *Ушбуқўшиқчижудазўрқўшиқчи.*)

Инглиз тили фразеологик бирликлари куйидагича ҳосил бўлади.

1. Фразеологик ибораларни мураккаброқ фразеологик бирликлар таркибидан ажратиш олиш. Янги шаклланган бирлик ўз-ўзидан яшай бошлайди, лекин унинг маъноси асл фраземанинг семантикаси билан белгиланади: *The old birds are not to be caught with chaff* – *Қари қушни дон билан тутиб бўлмас.* *An old, shooting sparrow* – *Қари, ўққа тутилган қалдирғоч* *va to be caught with chaff* – *осонлик билан тутиб олмоқ.*

⁶²The linguistic features of metaphoric phraseological units in the Uzbek language. Mirzo Tursunov. Philology matters. Volume 2020. Issue 1. Article 17. P.95.

⁶³Маматова А.Э. Ҳозирги ўзбекадабий тилида лексика фразеологик нормамуаммолари. – Тошкент, 1991. – Б. 212.

⁶⁴Akhmedova R.A. The influence of phraseological material on the motivation for learning foreign languages. International Journal on Integrated Education. Bukhara State University. P.170.

⁶⁵<https://www.encyclopedia.com/humanities/dictionaries-thesauruses-pictures-and-press-releases/darby-and-joan>.

2. Конверция усули орқали: A play with fire—оловлиўйин сўз бирикмаси орқали to play with fire—оловбилан ўйнашмоқ.

3. ўхшашликасосида: Curiosity killed a cat— Curiosity will not lead to good. Шекспиримизмларасосида: to care killed a cat— ҳадданташқариэтиборяхшиликкаолиббормайди маъносиди.

4. Сўзбирикмалариникенгайтиришорқали: as merry as grig—қувноқ, хушчакчақ. Merry grig—қувноқболасўзиданолинган.

5. Буйруқмайлидақўлланилганмақолларорқали: Strike the iron while it is hot—Темирнииссиғидабос.

6.

Контрастбўйичаўрганиш.

Баландотгаминмоқсўзбирикмасинингконтрастиорқали come off the high horse—отдантушмоқфразеологикбирлигивужудгакелади.

Буэса“манманликнитўхтатмоқ”маъносинианглатади.⁶⁶

Инглиз тилида ҳайвон (биоморф кодли) ёки маълум предмет (предмет кодли) асосли баъзи фразеологизмларда инсонга нисбат берилади. A new broom— янгисупурги деб таржима қилинувчи сўз бирикмаси фразеологизм сифатида янги раҳбар маъносиди қўлланилади. Ёки A big fish in a small pond(қўлмақдаги катта балиқ) – раҳбар, хўжайин маъносини англатади.

Инглиз тили фразеологизмлари библеизмлар асосиди ҳам шаклланади. Жумладан: Библияда “When thou doest alms let not thy left hand know what thy right hand doeth” шаклида келган фразеологизм “not to let one's left hand know what one's right hand does” – “ўнг қўлинг қилган ишни чап қўлинг билмасин”маъносини англатгани каби. Loaves and fishes— ИнжилдаИсо Масихнинг беш дона нон ва икки дона балиқ билан уни тинглаш учун келган юзлаб инсонларнинг қорнини тўйдиргани билан боғлиқ иборалардир.⁶⁷

Фразеологик бирликлар фольклорнинг маҳсули бўлгани учун уларда шевага хос сўзлар, ҳақоратомуз сўзлар (вулгаризмлар) ва бошқа тиллардан миллий тилга кирган, лекин ҳали луғатларга киритилмаган сўзлар (варваризм ва макаронизм) ҳам мавжуд. Масалан, фолклоршуносликда фразеологик бирликларнинг изоҳли луғатларида топилмайдиган “fed up with a blue donkey”- қаттиқ жонига тегмоқ, “losing your head”-боши қотмоқ, “boiling your head”-мияси ачимоқ, каби қатор фразеологик бирликлар мавжуд.⁶⁸

Машҳур инглиз ёзувчиси ва сухандони Найджел Рис ўзининг “Dictionary of popular phrases” номли китобида фразеологик бирликларни қуйидаги турларга бўлади: **Stock phrases** – таниқлийбора, жумлаларнинг қўпол тарзда бузиб қўлланилиши. Бирор шахс ёки маълум гуруҳ томонидан вазиятга боғлиқ ҳолда қўлланилувчи иборалар: Gottleo`geer-bottle of beer –асосанмашҳур тақлидчилар томонидан бир бутилка пиво сўзининг бузиб айтилиши; **Catch phrase** (ўзлаштирилган иборалар) – маълумбир манба асосиди шаклланган ёки

⁶⁶Ametov J. M. Semantic analysis of the verbal phraseological units //International Journal of Trend in Scientific Research and Development. Volume 5.Issue 3. 2021.p.1044.

⁶⁷Əmiraslanova A. ВлияниеБиблиинаформированиеАнглийскихфразеологизмов. Filologiya məsələləri, № 1, 2020. Azərbaycan Tibb Universiteti, Mərdanov qardaşları 98. – С. 239.

⁶⁸Relation of simple phraseology in the English and Uzbek languages to the literary language norms. International Journal on Integrated Education. Rano Zaripova. Volume 3, Issue III, March 2020. P.13.

хақоратомуз кўринишдаги нутқда тез-тез қўлланилувчи ибора. *Loadsamoney* – каттамикдордаги пул; **Cliché** (бу ҳақда юқорирокда фразеологик чатишмалар доирасида ҳам маълумот бердик) – нутқда тез-тез мурожаат этилувчи, асл келиб чиқиши маълум бўлмаган иборалар.⁶⁹ Қизиқарсиз, самарасиз, аниқ бир маънога эга бўлмаган, нутқда тез-тез қўлланилувчи турғун бирикмалар.⁷⁰ Оддий, барчанинг нутқида қўлланиладиган иборалар. *His death diminishes us all* – Унинг ўлимидан биз чуқур қайғуга ботдик; **Format phrases** – шакллантириладиганиборалар. Янги сўзларни киритиш орқали иборалар маъносини ўзгартира оладиган асосий ибора ёки гап тузилиши; *If God had intended us to-he wouldn't have* – Оллоҳистамаганида шу ишлар бўлмас эди; *If God had intended Jewish women to exercise, he'd have put diamonds on the floor* – Агар Худо яхудий аёлларнинг спорт билан шуғулланишини мўлжаллаганида, у ерга олмос қўйган бўларди;⁷¹

идиома – метафорик маънони унинг маъносига бошқача етказиш учун ишлатиладиган чиройли ифода, бошқа тилларга айнан таржима қилиб бўлмайдиган ибора. *To have the bats in the belfry* – *ахмоқлик қилмоқ, жинни бўлмоқ*. Ўзбек тилида *аммамнинг бузоғи* деган фразеологизм ўзбек тилидаги идиомаларга тўғри келади; **Nickname** (тахаллус) – кўшимча, маъноли ном. *The angel of death* – ўлимфариштаси. Иккинчи Жаҳон урушида Аушвиц (Освенцим) лагеридаги беморлар қўл томирлари ҳаракатига қараб уларнинг яшаши ёки ўлишини айтиб бера олган Йозеф Менгелега нисбат берилган бу ном XVIII асргача нутқда қўлланилмаган⁷²; **Sayings** – аниқманбага мурожаат қилмайдиган таниқли ибора ёки сўз. Донолик ва ҳақиқатни ифодаловчи қисқача умумий маслаҳат. *The road to hell is paved with good intentions* – Жаҳаннам яхши ният ва истакларга тўла.⁷³ Ушбу фразеологик бирлик инсонларнинг бир-бирига муруватли бўлиши кераклигини уқтиради. *Hell is full of good meanings, but heaven is full of good works*⁷⁴ – Дўзахяхшиликлар билан, жаннат яхши амаллар билан тўла. Ушбу фразеологик бирлик доимо эзгу ишларни амалга оширишни тавсия қилади; **Slogan** – рекламавазифасини бажарувчи, бирор ҳаракатни амалга оширишга даъват этувчи ва ундовчи, диний ва дунёвий эътиқодимиз, дунёқарашларимиз, мақсадларимизни ифода этувчи фразеологик бирликлар. *Jim Crow* – ушбу ибора 1880 йилдан бошлаб қўлланилган бўлса-да, унинг келиб чиқиши 1730 йилга, яъни қоратанлиларнинг шу ном остида аталиши орқали келиб чиққан. *Jim Crowism* бугунги кунда “ажратиш”, “яккалаш” маъносини англатади;⁷⁵ **Colloquialism** – идиомалар билан бойитилган сўзлашув тили: *Free, gratis and for nothing* – *халис*

⁶⁹<https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/cliche>.

⁷⁰<https://www.collinsdictionary.com/dictionary/english/cliche>.

⁷¹Mark my words: great quotations and the stories behind them. Rees, Nigel, 1944. New York: Barnes & Noble. Inc. p.35.

⁷²A word in your shell-like: 6000 curious and everyday phrases explained. Rees, Nigel. 1944. Glasgow: Collins. P.35-70.

⁷³<https://www.smart-words.org/quotes-sayings/aphorism-proverb-idiom-saying-pun.html>; Mark my words: great quotations and the stories behind them. Rees, Nigel, 1944. New York: Barnes & Noble. Inc.

⁷⁴Proverbs, Infobase Publishing, 2007, p. 234.

⁷⁵Slogans. Rees, Nigel. 1982. London. Allen & Unwin. P.20.

хизмат учун маъносини англатади(текинга, мутлақо бепул). To get away with something scot-free—сўздан қуруқ чиқмоқ.Scot-sceot сўздан олинган бўлиб, у Ўрта асрларда маҳаллий суд ижрочиси ёки шерифга тўланадиган бож ҳисобланган.*I your shell-like ear-қулоғингизга айтмоқ* деб таржима қилинувчи ушбу ибора *суҳбат қурмоқ*маъносини билдиради; **Quotation** – иқтибосликасосида ҳосил қилинадиган иборалар. Маълум матн ёки манбадан олинган ибораларнинг ўзга кишилар томонидан қўлланилиши: Beauty is not necessary to God's angels (Tertullian-машҳур полемист ва ахлоқшунос олим, теолог⁷⁶ томонидан қўлланилган ибора, Women`s dress)⁷⁷ – ГўзалликХудонинг фаришталарига керак эмас. Atheism is the vice of few intelligent people.– Атеизмахлоқсизлар иллоти. (Voltaire)⁷⁸.

Маълумки, сўзга тенг келадиган фразеологик бирликлар нутқнинг турли қисмларига тегишли бўлиб, фразеологик бирликларнинг лексик ва грамматик категорияларини фарқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Фраземанинг грамматик ва синтактик вазифасига кўра инглиз фразеологик бирликларини Н. М. Шанский таълимоти бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратамиз:

1. Субстантив (субъект) фразеологик бирликлар, унинг ҳоким компоненти отдир: Devil`s advocate- Иблис малайи, Devil`s smiles - Қора булутлар аро нур сочган куёш, Ghost book-нашр қилинмайдиган китоб; The call of God-насихат, ўғит, амру-маъруфлар.

2. Асосида сифат сўз туркуми устуворлик қиладиган фразеологик бирликлар: As pale as ghost – оппоқ(арвоқ каби оқ); As black as a devil – қоп-қора (шайтон каби қора).Godly, adv/(2 Tim.iii.12). –friendly (самимий, дўстона). Инглиз тилшунослигида Оллоҳ лексемаси билан боғлиқ самимий, дўстона маъносини ифодаловчи Godly равиши мавжуд бўлиб, ушбу лексемада ҳам яратувчи билан боғлиқ ижобий ҳиссиётларни туямиз. -Theyhaue handled many roynthes of our faith verye godly (Latimer, Seven Sermons (ed. Arber) – Уларбизнингимонимизгакўптомонламасамимийишончбилдирди; -And let us pray for ourselves that we may live godly in holy and Christian conversation – МуқаддасваХристиансуҳбатлардадўстона (ҳамжиҳат) бўлибйашашучункелингларибодатқилайлик. [Homilies, p.117].

3. Феъл сўз туркуми устуворлик қиладиган фразеологизмлар: To shame the devil – ростсўзламоқ, To vow a candle to the devil – порабермоқ.

4. Равишли фразеологик бирликлар: When the devil is dead/blind –ҳечқачон (шайтон вафот этганда/ кўр бўлганда).

5. Модал сўзлар вазифасини бажарувчи фразеологизмлар: Oh, my God-Эй, худо каби.

Инглиз фразеологиясида турғун бирикмаларга ёндашув ўзбек тилшунослигида кузатилганига нисбатан кўламдор. Бу жиҳат маълум маънода тадқиқ объектининг чегарасини белгилашда чалкашликларга сабаб бўлади ва

⁷⁶<https://www.britannica.com/biography/Tertullian>.

⁷⁷12000 religious quotations. Mead, Frank S.(Frank Spencer), 1898-1982. Grand rapids, Mich.:Baker Book House. P.8.

⁷⁸12000 inspirational quotations. 2000. Springfield, Mass.: Federal Street Press. P.12.

биз профессор А.Э.Маматовнинг хулосаларига эргашган ҳолда, фразеологизмларни тор маънода тушуниш тарафдоримиз.

Ҳозирги замон инглиз тилида фразеологизмлар таркибига киритилаётган фраза, фразема, афоризмлар, мақол ва маталлар, идиомаларнинг катта қисми шекспиримизмлар ва библеизмлар асосида шаклланган бўлиб, бу бирликлар инглиз тилида сўзлашувчи давлатларнинг асосий маданий алоқаларини ўзида акс эттирган ва тилнинг луғат таркибига ўз таъсирини ўтказган.

Инглиз тилидаги айрим фразеологизмлар ибодат натижаси ўлароқ тилда ўз аксини топган. Жумладан: *for better for worse, from the bottom of the heart – чинюракдан; the world, the flesh and the devil – нотўғриқизиқишлар; like a giant refreshed – янгиқуч ва янги ҳиссиётлар ила*⁷⁹.

Ҳизр (а.с.) (Ҳизир, Ҳазрати Ҳизр, Ҳизр бува, Ҳизр-Илёс) – Қуръонда «Аллоҳнинг қули» номи билан тилга олинган тақводор зот. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида Ҳизр ҳақида қуйидаги маълумотлар берилган: «Ҳизр - афсонавий пайғамбар: У ҳаёт булоғидан «оби ҳаёт» ичган ва умри боқий бўлган; у билан учраган, кўришган одам бахтли бўлар эмиш». Ҳазрати Ҳизрни шаҳарларнинг ҳомийси деб ҳам қаралган ва уни нуроний чол қиёфасида тасаввур қилганлар. Халқимиз орасида «Ҳизр назар қилган», «Ҳизр йўлиққан» деган иборалар ҳозирда ҳам кенг тарқалган⁸⁰.

Дев урган иборасининг бугунги кун ўзбек тилида *пари теккан, жин урган, жин чалган* каби маънодошлари бўлиб улар хаёли қочган, девонавор, ишқ дардига мубтало бўлган инсонларга нисбатан қўлланилади. Ушбу ибора Алишер Навоий асарларида қуйидагича талқин этилган:

*Ки, эй мажнун, пари кўрдунг магарким тарки ҳуш эттинг,
Такаллум қил, бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб.*

Шоир *телба, девона, жинни ёки жунун, мажнун, мажнунваш, девонаваш* сўзларини сифатлаш ўрнида ҳам кўп қўллагани кузатилади. Масалан, у ишлатган “девона ҳажр” (1), “Жунун хатти муҳити” (1), “телба кўнгул” (1), “Мажнуни саргардон” (1), “жунун дашти” (1), “жунун арбоби” (1), “девона хусн” (1), телба ит” (1), “телба нокас рақиб” (1), “телба саргардон”, “жунун водийси”, “муҳлик жунун” (1), “телбалик узри” (1), “жунун тоши” (1), “жунун оини” (1), “жунун ифроти” (1), “телбалар ҳадиси” (1), “жунун саҳроси” (1), “чўпони Мажнун” (1) ва ҳоказо кабилар шулар жумласидандир⁸¹.

Алвасти. Шарқ мифологияси ва хурофоти таъсирида: гўё ҳар хил қиёфада кўринадиган афсонавий маҳлуқ (*Кампирларнинг миш-мишларига кўра, киши кўзига кўпинча кечалари эчки бўлиб кўринадиган “ажина” ва “алвасти”лар макони бўлган бу овлоқ жой обод бир сайлгоҳ бўлиб қолади*⁸²).

Davy Jane`s locker – “Дейв Джейн қулфи” маъносидаги ушбу иборада Дейв Джейн – океанларруҳи тимсолидаги мифологик образдир. Ушбу ибора

⁷⁹Әmiraslanova A. Filologiya masalalari. 1. 2020. Влияние Библии на формирование Английских фразеологизмов. - С.238.

⁸⁰Абдулахатов Н., Тўхтабоев И. Тошлоқ тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2011. – Б. 69.

⁸¹Ражабова М.Алишер Навоий ижодиётида телбаликнинг мотивлаштирилиши. ЎзМУ хабарлари. Вестник НУУз. Филология. 1/1/2021. – Б. 277.

⁸²Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Б. 68.

денгиз тубига ишора қилади. У биринчи маротаба Джордж Робертснинг 1972 йилда чоп этилган “Four year’s voyage” асарида учрайди. Бу иборанинг аслияти ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ, аммо у қайикдан ирғитилган, кит томонидан қутқарилган инсонни тасвирловчи Библиядаги Юнус ҳикоясига ишора қилади. Дейв Жейн ҳеч қачон яхшилик қилувчи руҳ сифатида тасвирланмайди. Уни денгиз тубидаги барча ёвуз руҳлар раҳнамози сифатида қайд этишади⁸³.

Е.Мелетинскийнинг “Поэтика мифа” монографиясида XX аср адабиётига оид мифологизмлар, мифлар ва уларнинг турлари; француз адабиёти(Ф.Кафка ижоди) мисолида таҳлил қилинган. Шу каби, ўзбек фольклоршунослигида профессор Д.Ўраева Шарқ ва Ғарб адабиётида *шайтон* мифонимини⁸⁴, Р.Ражабова⁸⁵ ўзбек мумтоз адабиётида *дев, пари, аждар* каби мифологик образларнинг бадиий талқинини таҳлил этганлар.

Ушбу бобда шунингдек, ўзбек ва инглиз тилларида мифофраземаларнинг лексик-семантик, синтактик муносабатлари мифофраземалар ўртасидаги полисемия ва синонимия муносабати мисолида ёритилди.

Луғавий бирликларда кузатилгани каби, фразеологик бирликларда ҳам айрим лексик-семантик муносабатлар кузатилади. Фразеологик полисемияда ҳам лексик полисемиядаги каби ўз маъно ва ясама (ҳосила) маъно фарқ қилинади. Лексик полисемияда бош маъно тўғри маънога, ҳосила маъно эса кўчма маънога тенг; фразеологик полисемияда, бундан фарқли равишда, бош маъно ҳам кўчма (образли) маъно бўлади, чунки ҳар қандай фразеологик маъно устама, кўчма маъно сифатида юзага келади⁸⁶.

Нутқимиздаги *шайтони қўзиган*”, “*шайтонга дарс беради*”, “*шайтоннинг гапига кирма*”, “*шайтонга ҳай бер*” **шартли религионим-ибораларида** фақат *шайтон* лексемаси ўзаро полисемантик муносабатда, бу жиҳатдан турғун бирикмаларнинг ўзини эса полисемантик муносабатни ҳосил қиляпти, деб ҳисоблаш нотўғри.

Фразеологик синонимия. Қайд этиш лозимки, синонимия ҳодисаси 1) бир тилнинг ўз фразеологизмлари ўртасида содир бўлади: *Худо ўз даргоҳига чақирди* ва *Худо жонини олди*.

2) Ўз ва ўзлашма фразеологизмлар ўртасида содир бўлади: Where Christ gave the three voices – Donde Christo dio last tres voces (испан тили) дан ўзлашган бўлиб, ҳар иккиси ҳам “ёмон йўлдан қайтмоқ” маъносини ифодалайди ва инглиз тилида фаол қўлланилади.

3) Фақат ўзлашма фразеологизмлар ўртасида ҳам содир бўлиши кузатилади. Sankt Nimmerleinstag(немис тили) – Fest der Beschneidung Maria (немис тили) – ҳеч қачон маъносини ифодалайди.

⁸³Curious phrases. Dunkling, Leslie. London Collins. Pages 15-64.

⁸⁴Uraeva D., Nurullayeva S. Expression of the realities and people of the war period through mythological images.Academica. 2020. P. 462-466.

⁸⁵Ражабова Р. Ўзбек болалар адабиётида фольклор жанрлари стилизацияси(наصريй эртақ ва топишмоқ мисолида)Автоеферат. – Бухоро, 2020.

⁸⁶Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изохли фразеологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1978. – 408 б.

Ўзаро синоним ҳисобланган фраземаларнинг айримлари матнда услубий хосланганлик белгиларини намоён қилиши мумкин: уларнинг гўё турғунлашиб қолган таркибида тегишли ўзгариш содир бўлиши ҳам кузатилади. Масалан, 1) *Тўғри, қотилликнинг барчаси ҳам даҳшатли. Бироқ буниси худонинг газабини миллион марта кўпроқ қўзғгани тайин* (<http://zamonaviy.com/news/дан>); шунингдек, 2) *Суд бу худонинг газабига учрагур исқиртни бир умрлик қамоқ жазосига маҳкум этди*; 3) *АТТИЛА Мундиук ўғли (Эцела, Отилахон, Этилли; лақаби — «Худонинг газаби»)* (? — мил. 453) — *гунлар подшоҳи*; 4) *Ота розилигида Худонинг розилиги бор. Отанинг газабида Худонинг газаби бор* (Ҳадис); 5) *Агар бу хасталиққа қарши ҳукуматимизнинг ҳаракати ила ҳозиқ табиблар тарафидан муолажа қилинмаса, озгина бир замонда бутун Туркистонимизнинг наҳанг комига кетиши ёки «Лут қавми»дек ер ютиши ва ё Худонинг газаби ила Нўҳ тўфонидек муқаддас Ватанимизни сув ютиши шубҳасиздир*. Бизнингча, фразеологизм деб қаралаётган бирикманинг лисоний табиатига кўра уни ибора, тахаллус, қарғиш ёки олқиш, мақтов, эвфемизм ёхуд диний барқарор бирикма (религионим) таснифлаш мумкин бўлади. Зотан, фраземалар – мутлақ турғун бириклар бўлмасдан, матн ва услуб талабидан улар таркибига қўшимча компонентлар бириктирилиши мумкин. Аксинча, таркиби мутлақ ўзгармас, турғун ҳолда келувчи мифоним, шунингдек, теоним компонентли бирикмаларни эса ҳамиша ҳам фразеологизм сифатида таърифлаб бўлмаслигига юқорида келтирилган 2-, 3-, 4-, 5-мисоллар исбот бўлади. Жумладан, мифоним компонентли фразеологизмлар нутқда кўпинча эвфемизмларни ҳосил қилади. Бу инсонларда эшитганда салбий муносабатни келтириб чиқарувчи фразеологизмлар ўрнига бу ҳолатдан йироқ бўлган фразеологизмларни қўллаш талаби билан узвий ҳолда юзага чиқади. Масалан: *ўлмоқ сўзи ўрнига – Аллоҳга омонатини топширмоқ ёки Аллоҳнинг даргоҳига ошиқмоқ* ибораларини зинҳор кўчма маъноли бириклар эмас, аксинча, ўзбек нутқ одобига хос, исломий қадриятларимизнинг намунаси деб баҳолаш лозим бўлади.

Гарчи фраземалар муайян семантик, лексик, лексик-семантик, семантик-синтактик трансформацияланиши⁸⁷ уларнинг табиатига мос ҳодиса бўлса-да, бунда трансформацияланишни том маънода соф фразеологик қурилмаларга нисбатан тушуниш ўринли бўлади. Мисол учун, *Чунки уларни шайтон алдаб, йўлдан адаштириб юборган эди* (islom.uz дан) жумласидаги *шайтон йўлдан адаштирди* фраземаси гап мазмунидаги маънони кучайтириш, таъсирчанликни ошириш мақсадида лексик-синтактик жиҳатдан модификацияга учрамоқда. Лекин мазкур, миллий тилда *шайтон йўлдан адаштирди* шаклида турғунлашган иборанинг бу зайлда қўлланилиши юқоридаги мақсадлардан ташқари, идиостиль ҳамда матнга поэтик жонли руҳ бағишлаш заруратини тўлиқ оқлайди.

⁸⁷Маматов А. Лексикализация ва фразеологизация ҳодисаларининг ўзаро муносабати / Тилни ўқитиш ва ўрганишда XXI аср кўникмалари.Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Жиззах, 2020.

Диссертациянинг “**Мифоним унсури фразеологизмлар ва ўзга турғун бирикмаларнинг лингвомаданий таҳлили**” деб номланган учинчи боби ўзбек фразеологик сатҳида экзотик турғун бирикмалар, диний барқарор бирикма (религионим)ларнинг ўрни, инглиз тили фразеологик сатҳида библеизмлар, ўзбек ва инглиз тиллари мифоним компонентли фраземалар негизидаги референт асосларнинг ўзбек ва инглиз лингвомаданиятига хос хусусиятлари ва мифофраземалар таржимасида миллий-маданий коннотациялар борасидаги қарашларни ўзида қамрайди.

Бугунги кунда мифоним ва теоним ҳамда мифология ва теология терминларининг бир-бири билан алоқадорлиги ёки тафовут ҳосил қилиши борасида кўплаб қарашлар мавжуд ва бу борада ҳали аниқ бир тўхтамга келинган йўқ. Шунга қарамай, жаҳон ономастикаси ва мифологиясида теонимларга мифонимлар таркибидан ўсиб чиққан унсулар сифатида ёндашиш мавжудлигини таъкидлаш зарур.

Миф бу инсониятни ва Аллоҳни танишимиз учун парадигмадир. Улар инсонлар ақл-идроки ҳис эта олмаган ҳолатлар: бизнинг ким эканлигимизни, қаердан келганимизни, мақсадимиз нима эканлигини англашимиз учун хизмат қилади. Ибтидо, оламнинг яратилиши билан боғлиқ афсоналар теологияда христиан антропологиясининг асосини ташкил этади ва шу каби Одам Ато ва Момо Ҳаво ҳақидаги мифологик қарашлар ҳам бугунги кун инсон антропологиясининг парадигмаси бўлиб қолади. Илоҳиёт (теология)нинг ҳар қандай тушунчаси бу миф (афсона)нинг сезиларли ҳиссасига тўғри келади ва инсоният ҳамда Аллоҳ ҳақидаги тасаввурларимизни кенгайтиради.⁸⁸

Мифологик унсулар (либослар) – худолар, ҳайвонлар, муқаддас жойлар – барчаси номоддий нарсаларнинг тимсоллари бўлиб, улар янгиланиши ёки деярли ўзгаришсиз қолиши мумкин.⁸⁹

Мифларнинг бир қанча турлари ҳақида жуда кўплаб маълумотлар мавжуд ва космогоник мифлар теологик назарияларнинг шаклланишига асос бўлган дейилади.⁹⁰

Ушбу маълумотлар тадқиқотимиз учун танлаган объектимизнинг ҳар икки тил кесимидаги фарқликлари қаторида энг муҳим жиҳат – реалионим ва мифоним, теоним ва мифоним унсуларни бир-биридан ажратиш, шунингдек, икки маданият доирасида аслида мифоним деб қаралаётган унсуларга шаърий жиҳатдан тўғри баҳо бериш, исломий қарашга зид келувчи лингвофалсафий талқинни иккиланмай рад этишга эҳтиёж туғдиради.

Ўзбек тилшунослигида муқаддас Қуръони Каримдан олинган турғун ифодалар ва уларнинг фразеологик бирикмаларга муносабати жиддий ўрганилмаган. Бу борада профессорлар И.Мирзаев ҳамда Б.Йўлдошевлар шундай ёзадилар: “фразеологизм Ўзбекистонда ҳам кенг кўламда ўрганилган соҳани ташкил қилади. Ҳақиқатан ҳам кўп иш қилинган. Бироқ эришилган ютуқларга раҳна солмаган ҳолда айтиш керакки, келгусида қилинадиган

⁸⁸What is theology? Mueller, J. John. 1991. Collegeville, Minn.: Liturgical Press. P. 18

⁸⁹Mythology. London Grange. 1999. P. 17

⁹⁰Larousse world mythology. Grimal, Pierre. 1981. Excalibur Books, New York. P. 32

ишларимиз бундан-да кўп”⁹¹. Хусусан, Қуръондаги иборалар, ҳадислар ва уларнинг ФБлар билан муносабати махсус ўрганилиши, Ўрта Осиёлик машхур муҳаддислар ва тасаввуф илмининг устозлари Имом ал Бухорий, Ат-Термезий, Абдуҳолик Гиждувоний, Баҳовуддин Нақшбандий, Худододи Вали, Нажмиддин Кубро кабиларнинг бу соҳадаги серқирра ва олижаноб фаолияти тадқиқ этилиши лозим⁹².

Тадқиқотимизнинг ушбу фаслида муқаддас Қуръонда келтирилган турғун ифодаларга муносабат билдирилди, токи бу бирликларни миллий қадриятий тизим кесимида ўрганиш тилимизнинг лингвомаданий асосини ташкил этувчи “халқ руҳи”ни англашга бир қадар кўмак беради. Ўзбек тилшунослигидан фарқли, муқаддас китоблар (асосан библеизмлар мисолида)да ибораларнинг берилишига доир салмоқли тадқиқотлар Европа ва рус тилшунослигида амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда тарих, психология, социология ва бошқа бир қатор соҳалардаги диний матнлар билан ишлашда, кенг маънода Аллоҳ номи билан боғлиқ сўзлашув нутқини тадқиқ қилишда фанда *теолингвистика* термини (Джан-Пьер ван Ноппен: 1976)пайдо бўлди. Яқин йиллардан буён бир қанча теологик тадқиқотлар дин ва тил ўртасидаги алоқадорликни ўрганиш билан шуғулланмоқда.

Фразеологик ассимиляция диний фразеологик тўпламларни бойитишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Жаҳон тишунослигида миллий тил таркибига кирувчи Библияда келтирилган сўзлар ва жумлалар “Библеизмлар” дейилса, лингвистик тадқиқотларда махсус луғатларда учровчи Библиядан олинган фразеологик бирликларафоризмлар, қанотли сўзлар “Библикализмлар” дейилади. Баъзида Библияда учрамайдиган диний мазмундаги ибораларни ҳам учратамиз. Улар диний компонентли фразеологизмлар ёки диний фразеологизмлар дейилади.⁹³

Ўрни билан қайд этиш лозимки, мифоним дея қаралувчи барча унсурларнинг илдизи ҳадеганда антик дунёқарашга тақалавермасдан, ҳар миллатнинг тарихий шаклланиш йўлида алоҳида аҳамиятга эга бўлган диний-эътиқодий қарашлари билан ҳам чамбарчас боғлиқ. М.Р.Ғалиева дин у ёки бу халқнинг дунёни ўзига хос қабул қилиш тарзи, маънавий онги, маънавий қадриятларини намоён этувчи оламнинг ўзига хос моделига айланади ва ўзида дунёнинг диний тасвирини (ДДТ) шакллантиради, деб таъкидлайди. ДДТ - «тарихан халқнинг дунёқарашини ва миллий-маданий ўзлигини шакллантирган, диний билимларга асосланган маънавий қадриятлар мажмуасидан иборат когнитив структура»дир⁹⁴. Зеро, у (ДДТ) бир томондан миллий дунёқарашнинг шаклланишига, иккинчи томондан эса бутун тил тизими

⁹¹Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. – 116 б.

⁹²Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографиясининг шаклланиши ҳамда тараққиёти. Монография. Тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри. – Самарқанд: СамДУ нашри, 2013. – 116 б.

⁹³Religious phraseological units as an object of study of theolinguistics. Sultanova Shokhista Mukhammadjanovna. Бухоро давлат университети илмий ахбороти. UDC:81`1:008:2-279. 95–саҳифа

⁹⁴Ғалиева М.Р. Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик Тафаккурнинг акс этиши: Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Фарғона, 2019.

моделлаштирувчи таъсир кўрсатади⁹⁵. Ваҳоланки, ўзбек нутқ одобига исломий тарбия орқали сингдирилган турғун шакли мурожаат воситалари ҳам борки, уларнинг катта қисми ўзбек диний-этиқодий, қадриятий манзарасини гавдалантирувчи, бироқ араб тилидан ўзлашган экзотизмларга тўғри келади.

Ўзбек фразеологик бирликлари орасида мустаҳкам жой олган экзотизмлар ислом олами арконлари, Аллоҳга ишонч ва этиқод, ўзаро ҳурмат каби сифатларни ифодалаши билан ўзбек миллий аксиологик (қадриятий) манзарасини намоён этади. Улар ўзбек менталитетининг ўз Парвардигори олдидаги фарзларида собитқадам, фано ва бақо олами ўртасида дуч келинажак синовли онларда Аллоҳни мадҳ этиш, ҳар бир вазият замирида Яратувчининг хоҳиш ва иродасини тан ола билиш, шукроналик, миннатдорлик каби сифатларга тўлалиги билан ҳайратга солади (бинобарин, Ислом динида инсон номининг нафосати унга Яратувчи томонидан берилган эҳсондир, зеро, Аллоҳнинг ўзи гўзал исмлар соҳибидир ҳамда ҳар бир амалимизда Аллоҳни зикр этиш мўмин учун фарз амаллардандир: “Аллоҳнинг гўзал исмлари бордир. Бас, уни ўша исмлар билан чорланглар, ёд этинглар(Аъроф сураси 180-оят) (15)).

Тадқиқотимиз давомида бу сингари экзотизмлар ҳамда банданинг Яратганга ҳамд, шукур, илтижо муносабатларини ифодаловчи барча барқарор бирликларни шунчаки фразема деб изоҳлаш, тушунтириш исломий ахлоқ, этиқод фалсафасига тўғри келмаслигига амин бўлдик. Негаки, бу ҳар бир мусулмон халқи маданияти, маънавияти, этиқодий манзарасида ўз ўрнига эга алоҳида тоифадаги турғун ифодалар бўлиб, уларнинг лисоний таҳлилида фраземаларда бўлгани сингари *образлилик*, *кўчим* иштирокини аниқлашнинг маънавий жиҳатдан имкони йўқ. Ўзбекона шаърий қарашларимиз (илоҳий тушунчаларни персонификациялаштирувчи инглиз менталитетидан фарқли) Аллоҳнинг иродасини акс эттирувчи бу сингари ифодаларни барча турдаги фразеологик қурилмалар орасидан ажратиб, *диний барқарор бирикмалар* ёхуд *религионимлар* деб номлашга ишора қилади.

Муқаддас Қуръони Каримда *Al-Hamdu li-llah (al-hahm-doo lee-lah)* – Аллоҳга ҳамд ва шукур келтириш, *Inshaa`allah (Een-shah-ah ah-lah)* – мусулмон кишининг келажак воқеаларни таҳлил этишида Аллоҳ иродаси, Аллоҳ хоҳишига бўйсунуши, *Bi` idni allah (Bee eed-nee ah-lah)* – Аллоҳ кўрсатмаси ила, *Mashaallah (As God has willed)* – Аллоҳ хоҳиши ила, *Inda rabbikum (Before your Lord)* – Аллоҳ олдида сингари барқарор бирликларнинг қўлланилиши билан боғлиқ олибборилган тадқиқотларда катор олимларнинг илгари сурган илмий қарашлари ўзбек тилига ўзлашган экзотик турғун бирикмалар ҳақида тизимли тасаввур ҳосил қилиш имконини бермайди. Жумладан: *Al jinn-wa`l-insan`* - жин ва инсон. Ушбу религионимда *жинсўзи* ҳам ‘фаришта’, ҳам ‘ақл бовар қилмас мавжудотлар’ маъносидан *инсонсўзи* дан олдин қўлланган. Аммо Қуръони Каримнинг кейинги бобларида, *яъни жинсўзи* фақат ‘мавжудот’,

⁹⁵Галиева М.Р. Дунёнинг лисоний тасвирида диний-мифологик Тафаккурнинг акс этиши: Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Фарғона, 2019.

‘махлуқот’ маъноларида келганида *инсон* сўзидан кейин келади.

Бу орқали Муқаддас Қуръони Карим Аллоҳ томонидан нозил қилинган нақадар мукамал китоб эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу диний барқарор бирикма Аллоҳ томонидан *инсон* га фаришталарнинг бўйсуниши амр қилинганда, фаришталарнинг *инсон* дан устунлигини кўрсатиш мақсадида қўлланилган.

Иброҳим алайҳиссалом оловга ташланганида: «*Хасбуналлоҳу ва ниъмал вакийл*», яъни «Бизга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи кифоя. У қандай яхши вакил», деб айтдилар. Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга айрим кимсалар: «(Қурайш одамлари саноқсиз лашкарни) сизларга қарши тўплаган, улардан кўрқингиз!» деганларида, бу гап уларнинг иймонларини зиёда қилди ва: «**Бизга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи кифоя. У қандай яхши вакил!**» деб айтдилар.⁹⁶

Шунингдек, ушбу боб доирасида: *Nurun`ala nur, Subhanallah* – Субҳаналлах, *Sunnat Allah* – *sunnas* ўзи *s/n/n* ўзаклари асосида (*sanna-yasunnu-sanna*) каби религионимлар лингвистик таҳлили амалга оширилди. Қуръони Карим оятларини таржима қилиш жуда ҳам мураккаб жараён дир, бунинг сабаби ўрнида унда катта миқдордаги тарихий ва архаик сўзларнинг мавжудлиги кўрсатилади.

Маълумки, ҳар қандай тил фразеологик сатҳининг бойиш манбаи ўзлашмалар ҳиссасига тўғри келади. Бунда бир тилдан иккинчи тилга қабул қилинаётган иборалар уч усулда ўзлаштирилади. Яъни 1) таржима қилиб бўлмайдиган, тўғридан-тўғри ўзлашмалар: а) ўзлашма таркибидаги сўзлар фонетик, график, лексик ўзлаштирилса; б) ўзлашма бирлик ҳеч қандай ўзгаришларсиз оригинал шаклда ўзга тилга ўзлаштирилса; в) ўзлашма таркибидаги сўзлар қисман ўзлаштирилса;

2) фразеологик ярим калькалар: ибора таркибидаги сўзларнинг бири тўлиқ ўзлаштирилиб, иккинчиси таржима шаклида қўлланилса;

3) ўзга тил иборалари сўзма-сўз тўлиқ таржима қилинган ҳолда ўзлаштирилса (бу таржималар аниқ ва ноаниқ бўлиши ҳам мумкин).

Биз текшираётган мифологик манбалар, муқаддас Қуръони Карим ва ўзга диний-мифологик манбалар (антик даврга оид манбалар, муқаддас китоблар) да келган фразеологизмлар ҳам аслида ўзлашма иборалар ҳисобланади⁹⁷.

Турк тилининг Усмонлилар даврига оид фразеологизмларини ўрганган тадқиқотчи Муаззама Фозилия “Аллоҳ” компонентли дейимлар (туркий идиомалар) таркибидаги от туркуми, сифат туркуми ва феъл туркумига оид сўзлар қолиплагани, буйруқ майли қўшимчаси, ўтган замон қўшимчаси, кўплик қўшимчаси учраши ва турли мазмунларни ифодалашини 17 маъновий гуруҳга бирлашувчи диний барқарор бирикмалар мисолида кўрсатиб беради (м. *Allah esirgesin* (Худо кўрсатмасин), *Allah yazdıysa bozsun* (Худо сақласин); *kaza vallahi* (худо ҳаққи), *allah aşkına vazgeç* (худо ҳаққи), *Allah aşkına* (худо

⁹⁶ <https://islom.uz/maqola/6454>

⁹⁷ Томашпольский В. И. Лингвистическая типология: французский язык в сопоставлении с русским – Екатеринбург: Изд-во Урал. гос. ун-та, 2009. – 200 с.

ҳаққи); *Allah gönderdi* (Аллоҳ насиб қилди), *Allah sizden razı olsun* (Аллоҳ сиздан рози бўлсин); *Allah cezasını versin* (Худо ўз жазосини берсин), *Allah belalarını veresiceler* (Худо жазоларини берсайди), *Allah belasını versin* (Худобалосини берин); *Allah müstahakınızı versin* (хаммангизни жин урсин), *Allah belasını versin* (жин урсин); *Allah yolunu açık etsin* (Худо йўлингни очик қилсин); *Allah'im billür* (Раббимга аён); *Allah muinimiz olsun* (Худойимнинг ўзи қўлласин), *Inşallah* (Худо хоҳласа); *Allah aşkına yarpa* (Худо хайрингни берсин); *Allahaismarladık* (Худога топширдик); *Allah'tan olacak* (Худо ўзи ёрлақади); *Fesuphanallah* (Субҳонолло); *Allah toprağı kadar ömür versin sana* (Худойим сенга еру кўкдай узоқ умр берсин); *Allah mübarek etsin* (Худо муборак қилсин); *Himmeti hazır, nazır olsun* (Худо раҳмат қилсин); *Allah bilir* (Худо билади) *Maşallah* (Худога шукур) каби).⁹⁸

Мазкур туркча ифодалар ўзбек тилидаги *Иншааллоҳ*, *Субҳонолло*, *Аллоҳга шукур*, *Аллоҳ насиб этсин*, *Аллоҳ сақласин*, *Аллоҳ қўлласин*, *Аллоҳ йўлларимизни очсин*, *Аллоҳ рози бўлсин*, *Аллоҳ ҳақи*, *Аллоҳ жазосини берсин*, *Аллоҳ муборак қилсин* сингари турғун ифодаларнинг айнан ўзи ҳисобланиб, туркий тилнинг айрим фонетик, морфологик хусусиятларини намоён этган вариантлардир.

Профессор Б.Йўлдошев “худо урсин”, “худо бир асради”, “худо ёрлақагур” ифодаларини ҳам ижобий, ҳам салбий маънони ифодаловчи турғун бирликлар, “худо берди”, “худо билсин”, “худо кўрсатмасин”, “худо кўтарсин”, “худо олсин”, “худо урган”, “худо урди-кетди”, “худо ҳаққи”, “ё ол худо ё бер худо”, “худога солдим”, “худога топширдим”, “худога шукур”, “додингни худога айт” бирикмаларини сўзлашув нутқи услубига хосланган, айримлари эскилик бўёғига эгаллиги билан фарқланувчи бирликлар сифатида ажратади.⁹⁹ Ушбу диний барқарор бирикмалар таркиби халқ орасида Аллоҳнинг бандасига берган жазоси оқибатини ифодаловчи *жин урсин* компоненти билан алмашинган ҳолда ҳам қўлланилади. Бу вазиятда *жин урсин* бирикмасининг бир вақтнинг ўзида Ғарб лингвумаданиятига ҳам тааллуқли универсалия эканини қайд этиб ўтиш зарур. Бироқ унинг инглиз тилига ўгирмаси ўзга Европа тилларида кузатилган ҳолатлардан фарқли, муқим шаклга эга эмас. Таққослаймиз: рус.: *Что чёрт побери ты ищешь в блоге Оруэлла?* – ингл.: *What the hell are you doing on orwell's blog?* Рус.: *Я очень даже против, чёрт побери.* – ингл.: *I'm far from bloody all right with it.* Рус.: *Нужна определённая смелость, и, чёрт побери, иногда ничего не выходит.* – ингл.: *That takes a little bit of nerve, and, darn it, once in a while you fail.*

Библия мазмуни қатор маданиятларнинг матнларига сингган, жаҳон бўйича кенг тарқалган, асрлар мобайнида кўпгина халқларнинг ахлоқи, маънавияти, маданияти, адабиёти, мусиқа ва рангтасвир санъатига баракали таъсир кўрсатган¹⁰⁰. Унинг матнига дахлдор ифодалар О.С.Ахмановага кўра,

⁹⁸Muazzama Foziliya “Allah” komponentli deyimlar haqida Oriental Journal of Education Vol.1 (2), pp.01-05, 30 July, 2021 Available online at <http://www.supportscience.uz/index.php/oje> © 2021 Support Science LLC DOI: <https://doi.org/10.37547/supsci-oje-02-01>.

⁹⁹Фразеологик услубият асослари. Ўқув қўлланма. Б.Йўлдошев. САмарқанд. 1998. 27-бет.

¹⁰⁰<https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/bibliya-uz/>

библейзмлардир¹⁰¹. Мазкур шарҳдан фарқли, Т.П. Ключкина¹⁰², Н.В. Климович, К.Н. Дубровиналар библейзмлар сифатида Библиядан олинган фразеологик қурилмаларни¹⁰³, С.П. Белокурова эса қанотли жумлаларни¹⁰⁴ тушунадилар.

Тадқиқот доирасида *The spirits in prison, Entertained angel unawares, Hand of the Lord* сингари иборалар мифоним компонентли библейзмлар сифатида таҳлилга тортилди.

Таниқли тилшунос олим, профессор Д.С. Худайберганава лингвомаданиятшунослик фанга лингвомаданий бирлик, лингвомаданият, лингвомаданий ҳамжамият, миллий-маданий коннотация, маданий сема, прецедент бирликлар, лисоний онг, оламнинг лисоний манзараси, оламнинг қадриятли манзараси каби бир қатор янги тушунчаларни олиб кирганини қайд этиб, улар қаторида маданият кодлари тушунчасига алоҳида урғу беради¹⁰⁵.

Миллат концептуал оламининг таянч тушунчалари бўлмиш маданий концепт, қадриятли константалар лисоний белгиларнинг ички шакли мундарижасини белгиловчи унсур сифатида миллий лисоний манзаранинг қарор топишига сабаб кўрсатади. Миллий-маданий кодлар билан белгиланган ижтимоий-маданий ахборотнинг лисоний жиҳатдан хос табиатни касб этиши эса тафаккурнинг қиёс, ўхшатиш, метафорага асосланган фаолияти эвазига содир бўлади. Зеро, қиёс бир миллат кесимида мавжуд маълум ва номаълум ахборот таркибидан маълум белгиларни саралаш, уларни тарихий шаклланиш тажрибасига тегишли маълум белгилар билан қайта таққослаш ва шунга кўра “ўзиникини таниш, ажратиш” ҳуқуқини берувчи махсус кодларнинг шифраланишидан иборат ментал амалиётни бажаради. Номаълумдан маълумни саралаш жараёни эса бевосита ўхшатишва метафора кўмагида шунга мос шакл-шамойилни (образни) аниқлаш имконини пайдо қилади. Бу образ миллий ментал аҳамиятли идеал хотиранинг кўриниши бўлиб, тилдаги фразама шакли муқим белгиларнинг ҳосил бўлишида асос вазифасини ўтайди.

Ушбу бобдаги тадқиқий материалларимиз асосида Ш. Раҳматуллаевнинг “Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати”, “Ҳикматнома” ўзбек халқ мақолларининг изоҳли луғати, “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” (5 жилдлик) дажамланган мифофраземалар статистик ўрганилиб, лингвомаданий табиатига баҳо берилди. (1-диаграмма).

¹⁰¹ Ахманова, О.С. Словарь лингвистических терминов / О.С. Ахманова. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – 607 с.


¹⁰² Ключкина Т.П. Особенности употребления и перевода английских и русских библейзмов. [Электронный ресурс] / Т.П. Ключкина. Режим доступа: <http://samlib.ru>. – Дата доступа: 16.11.2017

¹⁰³ Дубровина К.Н. Энциклопедический словарь библейских фразеологизмов / К.Н. Дубровина. - М.: Флинта: Наука – 2010. – 808 с.

¹⁰⁴ Белокурова С.П. Словарь литературоведческих терминов. [Электронный ресурс] / Словарь литературоведческих терминов. –Режим доступа: <http://grammar.ru>. – Дата доступа: 16.11.2017

¹⁰⁵ Худайберганава Д. Лингвокультурология маданият кодларити тушунчаси ваталқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2019. – № 3. – Б. 15.

Ўзбек тилининг (5 жилдлик) изоҳли луғатида фразеологизмлар




1-диаграмма

Лексикографик далиллар ўзбек тили мифоним компонентли турғун бирикмаларнинг асосий: мифологик код, теоморф код, биоморф код, антропоморфлингвомаданий кодларда ифода топишини кўрсатди. Мазкур кодларга бирикувчи яхлит образларни намоён этувчи лексемаларнинг ижобий/салбий коннотациясини аниқ фарқлашнинг имкони йўқ, аксар ҳолларда уларнинг синтактик қуршовдаги ўрнига эътибор бериш лозим бўлади.

Ушбу бобда, шунингдек, Concise Oxford dictionary of proverbs (1953) “Қисқача Оксфорд мақоллар луғати”, Concise dictionary of common phrases, (1993) “Қисқача умумий иборалар луғати”, Dictionary of popular phrases (1944) “Машхур иборалар луғати” асосида сараланган мифофраземаларнинг асосини ташкил этувчи компонентлар таҳлил этилди.

2-диаграмма



Натижада қиёсланаётган ҳар икки тилнинг диний-этикодий, мифологик, концептуал манзараси учун *Жаннат* (Heaven), *фаришта* (Angel), *руҳ*, *арвоҳ* (Spirit, Ghost), *Иблис*, *шайтон* (Devil), *Дўзах* (Hell), *Азроил* (Azrael), *Аждар* (Dragon) тушунчалари “сабаб-оқибат” фалсафий категорияларининг “охират-жазо” категорияларига бирлашувчи универсал характер касб этгани кузатилди.

Бироқ ҳар икки тил этикодий қарашларида концептуал фарқликларни инобатга олиб, ушбу концептларнинг инглиз тилида кўпроқ антропоморф код асосида персонификацияланишини ўрни билан қайд этиш лозим. Биздаги

маълумотлар ушбу фарқликларнинг таржима жараёнида ёрқин намоён бўлишини исботлади.

ХУЛОСА

1. Мифонимларнинг теонимика билан ҳам алоқадор жиҳати уларнинг талқинида кўп ҳолларда теонимлар билан чалкаштиришга сабаб кўрсатади. Негаки қатор пантеонлар (эътиқодлар, мифологик тизимлар)га тааллуқли маъбудларнинг номлари аслида инсон ҳаёлий тасаввурлари, тўқималарининг маҳсули ҳисобланади ва улар Аллоҳ томонидан нозил қилинган диннинг иродасини ифода этмайди. Шунга қарамай, қадимдан кишилар эътиқодий амаллари ва ақидавий қарашлари билан боғланган кўплаб афсонавий қаҳрамон номлари ономастикада теоним сифатида ўрганилади. Мифонимия ономастик маконнинг бир соҳаси бўлиб, унда сиёсий динларда энг аниқ ифодаланган теонимия (худолар номи) ва демононимия (турли хил арвоҳлар ва ёвуз руҳлар) алоҳида ўрин тутади.

2. Борлиқдаги нарса ва ҳодисаларнинг номини аниқлаш атоқли отларнинг катта қисмини реалионимлар ташкил қилади, улар асосида ҳосил бўлувчи мифоним бирликлар ўзида референт нисбийлик табиатини намоён этади: ҳосила ном ўрнида юзага келган мифонимларда эса реалионимларга тегишли энг хос белгилар жамланади.

3. Ўзбек нутқида оммалашган, реалионимнинг мификлашувига хос *рентген, макинтош, ампер, ил-2, ватман, маузер, саксофон, сандвич* сингари луғавий бирликлар мутлақ мифонимга хос семантикани намоён этмайди. Ўзбек тилида бу тоифадаги номлаш жараёнида реалионимнинг тўғридан-тўғри мифоним – атоқли отнинг ҳосил бўлиши эмас, асосан аниқловчи-аниқланмиш, изоҳловчи-изоҳланмиш қурилмасидаги атрибутив оборот таркибида ифода топиши кузатилади. Эпонимик ном бўлиши учун ушбу турғун қурилмалардаги *номли, номидаги* аниқловчилари, шунингдек, форсий изофа хусусиятлари ўрнида шу номларнинг эпоним билан бевосита алоқаси таъминланиши шарт. Ўтмишда яшаб ўтган реал шахс, мифологик қаҳрамон, жой, фирма номининг келгусида предмет, ашё номига бевосита ўтиши ҳам ўзбек лингвомаданиятига хос эмас. Европа тилларида бўлганидан фарқли, ўзбек тилида шахс номи унга алоқадор предмет, ашёга бевосита ўтмайди, аксинча, шахс номига ишора қилиш шу предметнинг тегишлилик белгиси (*-нинг*, шунингдек, форсий изофа графемаси) орқали ифодаланади. Бу ҳолатда ҳосила номни мифоним деб аташ мазкур термин хусусиятига зиддир.

4. Ўзбек тили фразеологиясида трансонимлашган компонентли бирикмалар деярли мавжуд эмас, гарчи инглиз тилида бу тоифадаги турғун бирикмалар кам миқдорда бўлса-да, учрайди. Бу вазиятда икки тил материални таҳлилга тортишдан маъно йўқ. Деонимлашув эвазига ҳосил бўлган мифонимли фраземаларнинг ҳар икки тиллардаги иштироки эса, нисбатан умумий белгиларни намоён этди.

5. Тадқиқот давомида эпонимик номлар: 1) мутлақ эпонимлар; 2) нисбий эпонимлар (морфологик йўл билан ясалган нотўлиқ эпонимик номлар); 3)

эпонимик коллокациялар (грамматик йўл билан ясалган бирикмали номлар);
4) метафорик, метонимик ном кўчишидан ҳосил бўлган номлар ва турғун қурилмалар тарзида асосий тўрт кўринишда тавсифланди.

6.Ўзбек тили луғавий бирликлари ўртасида деонимлашув даражаси инглиз тилида бўлгани каби юқори эмас. Зеро, инглиз тили атоқли ва турдош отларнинг деонимлашувидан ҳосил бўлган мифонимларга бой тил ҳисобланади.

7.Ўзбек тилидаги мифоэпонимларнинг асосий қисми ўзлашмалар ҳисобланиб, киши фамилиялари асосида ҳосил бўлган. Ўзбек тилида деонимлашув ҳодисаси инглиз тилидаги деонимлашувдан кўп ҳолатларда ном ҳосил бўлишининг референтатив асосига кўра фарқ қилади. Яъни ўзбек тилидаги деонимлашган бирликлар кишиларнинг ички ва ташқи характер хусусиятини акс эттирувчи белгилар орқали юзага чиқади ва асосан сифат туркумидаги сўзларда намоён бўлади. Аммо ҳосила номинативларнинг барчасини ҳам лисоний жиҳатдан турғун деонимлар деб ҳисоблаш тўғри эмас. Яъни ўзбек тилида мавжуд деонимлашган мифонимлар лисоний қийматдан кўра кўпроқ нутқ вазиятига мос окказионал қўлланиш хусусиятига эга ҳамда инглиз тилида бўлгани каби, ономастиканинг мустақил объекти бўла олмайди.

8.Инглиз тилида реалионим-мифоним тоифасидаги мифоним компонентли фразеологик қурилмалар миқдори ўзбек тилига нисбатан кўпроқ. Ўзбек тилида деонимлашув ҳодисаси асосида ҳосил қилинган мифоним компонентли фразеологик бирликлар эса деярли учрамайди. Мавжудлари ҳам асосан ўзлашмалар ҳиссасига тўғри келади.

9.Тадқиқотда кузатилган натижаларга кўра мифонимлар: 1)мутлак мифонимлар ҳамда 2)нисбий мифонимларга (реалионим асосида ҳосил бўлган мифонимларга ажратилди.

10.Ўзбек тилшунослигида инглиз тилшунослигидан фарқли, фразеологик бирликларни тор маънода тушуниш тенденцияси кузатилади. Бу тадқиқот объектининг чегараларини аниқ белгилаш имконини туғдирса, инглиз тилида фразеологик сатҳга бирикувчи турғун қурилмаларнинг вазифавий жиҳатдан хилма-хиллиги (stock phrases, catch phrase, cliché, format phrases, идиома, nickname, sayings, slogan, colloquialism, quotation ва б.) битта лингвистик ҳодисани типологик кесимда текширишнинг ҳар икки тилдаги фарқликлар эвазига мураккаблашиши аниқланди.

11.Реалионим ва мифоним, теоним ва мифоним унсурларни бир-бирдан ажратиш, шунингдек, икки маданият доирасида аслида мифоним деб қаралаётган унсурларга шаърий жиҳатдан тўғри баҳо бериш исломий қарашга зид келувчи лингвофалсафий талқинни иккиланмай рад этишга эҳтиёж туғдиради.

12.Ўзбек тилидаги экзотик, аксар диний барқарор бирикмалар таркибидаги асос вазифасини ўтаган компонентни (*худо, Тангри, Парвардигор, Яратган Эгам, Тангри Таолло*) мифоним эмас, теоним компонент ҳисоблаш зарур. Бугунги кунгача турғун бирикма сифатида қаралиб келаётган ушбу тоифадаги бирликларга, ва ниҳоят, фразема эмас, диний барқарор бирикма

ёхуд религионим деб ёндашиш лозим. Яратганга ҳамд, шукур, илтижо муносабатларини ифодаловчи барча барқарор бирликларни шунчаки фразема деб изоҳлаш, тушунтириш исломий ахлоқ, эътиқод фалсафасига тўғри келмайди, уларнинг лисоний таҳлилида фраземаларда бўлгани сингари *образлилик*, *кўчим* иштирокини аниқлашнинг маънавий жиҳатдан имкони йўқ. Шу жиҳатдан (илоҳий тушунчаларни персонификациялаштирувчи инглиз менталитетидан фарқли) Аллоҳнинг иродасини акс эттирувчи бу сингари ифодаларни барча турдаги фразеологик қурилмалар орасидан ажратиб, *диний барқарор бирикмалар ёхуд религионимлар* деб номлаш таклифини бердик.

13.Нутқимизда *худо берди, худо билади, худога шукур, худо ёрлақади, худо кўрсатмасин, шайтон сўзига кирмоқ, шайтон йўлдан урмоқ, қуръон урсин, шайтонга ҳай бермоқ, арвоҳ урмоқ, оппоқ хўжам урсин, Ҳизр назар қилган, Банда қилса маломат, худо қилсин саломат* каби фаол қўлланилувчи барқарор қурилмаларни ***шартли религионим-фраземалар*** деб аташ мақсадга мувофиқ. Бу диний барқарор бирикмалар халқ этнографиясининг инъикоси ҳамда миллат учун энг муҳим қадриятий белгиларни бирлаштирувчи муҳим ижтимоий-маданий, тарихий ахборотни сақловчи, миллий лисоний манзарада лингвомаданий концептларни шакллантирувчи билим манбаидир.

14.Инглиз тилидаги фразеологик бирликлари учун Библия асосий адабий манбаидир. Асрлар оша Библия Англия тарихидаги энг кўп ўқилган ва иқтибосликка эга бўлган китоб ҳисобланади.

15.Ўзбек тили изоҳли луғатларидаги жами 5995 та фразеологизмларни ўрганиш натижасидаўзбек тили мифоним компонентли турғун бирикмаларнинг асосий: мифологик код, теоморф код, биоморф код, антропоморф лингвомаданий кодларда ифода топиши аниқланди.

16.Тадқиқот учун танланган инглиз тили Concise Oxford dictionary of proverbs, Concise dictionary of common phrases ҳамда Dictionary of popular phrases луғатларидан сараланган жами 10692 та турғун бирикма текширилиб,қиёсланаётган ҳар икки тилнинг диний-эътиқодий, мифологик, концептуал манзараси учун *Жаннат* (Heaven), *фаришта* (Angel), *руҳ*, *арвоҳ* (Spirit, Ghost), *Иблис*, *шайтон* (Devil), *Дўзах* (Hell), *Азроил* (Azrael), *Аждаар* (Dragon) тушунчалари сабаб-оқибат фалсафий категориясининг охират-жазо категориясига бирлашувчи универсал характер касб этгани кузатилди ҳамда уларнинг универсал лингвомаданий концепт экани далилланди.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ
СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ
LIST OF PUBLISHED WORKS

I бўлим (I часть; I part)

1. Khudoynazarova Uglonoy Allamurodovna. Lexical-semantic, linguoculturological analysis of the mythological element// Berlin Studies Transnational journal of Science and Humanities. – Germany, 2016. –Philological Sciences. – ISSN 2749-0866. (№10. 10.00.00 Европа мамлакатлари нашрлари.)P.116-122.

2. Худайназарова Ў.А. Инглиз тили фразеологизмларининг ҳосил бўлишида деонимизация ҳодисасининг ўрни.//Academic Research in Educational sciences.Volume 2/ Issue 9. – ISSN: 2181-1385. – Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723. – DOI: 10.24412/2181-1385-2021-9-4-8. – P.551-555.

3. Худайназарова Ў.А. Ўзбек ва инглиз тилларида мифоним компонент тушунчаси тадқиқи. - “Сўз санъати” Халқаро журнали // Journal of word art. – 2021(10.00.00. №31). – Б. 301-304.

4. Xudaynazarova O., Ahmedova N. Frazeologizm olamni ko`rish, his qilish, anglashning lingvomadaniy usuli // Til va adabiyot ta`limi. – 2021. № 6. (10.00.00. № 9). – Б. 40-42.

5. Худайназарова Ў.А. Ўзбек лингвомаданиятида мифологик образлар талқини // Назарий, амалий, тилшунослик ва тил ўқитиш методикаси мавзусидаги Республика онлайн илмий анжумани материаллари. – 4.11.2021. – Б.110-113.

II бўлим (II часть; II part)

6. Худайназарова Ў.А., Эшмуратова Д.У. – Инглиз тили фразеологизмларининг ҳосил бўлишида эпонимизация ҳодисасининг ўрни //Academic Research in Educational sciences.Volume 2/ Issue 9.- ISSN: 2181-1385.- Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723.- DOI: 10.24412/2181-1385-2021-9-4-8. – P.1142-1144.

7. Худайназарова Ў.А. Мифоним компонентли фразеологизмларнинг инглиз ва ўзбек адабиётида туган ўрни // “Маданиятлараро коммуникация матнида тил ва адабиётнинг роли” Халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Қарши, 23-24 апрель, 2021. – Б.110-113.

8. Khudoynazarova U. A. // Comparative analysis of phraseology in English and Uzbek languages. Academicia. An International Multidisciplinary Research Journal. ISSN: 2249-7137.-Volume.10, Issue 6, June 2020.P.751-754.

